БАЙРАМИНГ МУБОРАК, ҚАРДОШ ГРУЗИЯ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН.

15 май 1971 йил, шанба ◆ № 109 (14.979). ◆ Баҳоси 2 тийин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ГРУЗИЯ СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Грузия ССР меҳнаткашларининг революцион ҳаракатдаги, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ва жаҳонда биринчи кўп миллатли социалистик давлат — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини мустаҳкамлаш учун кураш йўлидаги катта хизматлари учун, Ватанимиз душманларига қарши олиб борилган жангларда кўрсатган қаҳрамонлиги ҳамда коммунистик қурилишда эришган муваффақиятлари учун **Грузия Совет Социалистик Республикаси Октябрь революцияси** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Н. ПОДГОРНИЙ.**

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари **М. ГЕОРГАДЗЕ.**

Москва, Кремль, 1971 йил, 14 май.

Грузия Коммунистик партияси Марказий Комитетига Грузия Совет Социалистик Республикаси Олий Совети Президиумига Грузия ССР Министрлар Советига

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Грузия ишчилари, колхозчилари, зиёлиларини, Грузия меҳнаткашларининг жанговар авангарди — коммунистларни шонли сана — Грузия Совет Социалистик Республикаси ва Грузия Коммунистик партияси ташкил топган куннинг 50 йиллиги билан қизғин табриклайдилар.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси мамлакатимиз халқларини шу жумладан Грузия халқларини ҳам социал ва миллий зулмдан абадий халос қилди, давлат, хўжалик ва маданий қурилиш учун кенг имкониятлар яратиб берди. Грузия меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида буржуазияга ва унинг меньшевик малайларига қарши шиддатли курашиб рус пролетариатининг қўллаб-қувватлаши туфайли Совет ҳокимиятини ўрнатдилар. Грузин халқи мамлакатимиздаги бошқа халқлар билан биргаликда улуғ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини ташкил этишнинг актив иштирокчиларидан бири бўлди.

Грузия меҳнаткашлари ўтган эллик йил мобайнида СССРдаги барча халқлар билан қардошларча ҳамкорликда туб тарихий ўзгаришларни амалга оширдилар. Совет Грузияси социалистик Ватанимизнинг ғоят ривож топган республикаларидан бирига айланди. Грузияда ГЭЭЛРО планига мувофиқ Закавказьеда биринчи ва мамлакатда иккинчи гидро электр станция — В. И. Ленин номидаги ЗАГЭС қурилди. Ҳозирги Грузия — металлургия, машинасозлик ҳимия саноати, асбобсозлик, электротехника, кўмир, цемент саноати, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати республикасидир. Совет ҳокимияти йилларида саноат ишлаб чиқариши ҳажми 85 баравар ортди. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари анча катта муваффақиятларга эришдилар. Улар чой барги, узум, цитрус ва эфир мойли экинлар етиштиришни йил сайини кўпайтирмоқдалар. Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги юксалди.

Грузиянинг мазмунан социалистик ва шаклан миллий маданияти, унинг фан, адабиёт ва санъати ўз тараққиётида жуда катта муваффақиятларга эришди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Грузиянинг ўғил ва қизлари Совет Иттифоқидаги барча халқлар билан бир сафда туриб, немис-фашист босқинчиларига қарши қаҳрамонона жанг қилдилар, Совет Ватанига, коммунизм ишига фидокорлик садоқатларини намойиш қилдилар.

Грузия ССРнинг равнақи марксча-ленинча таълимотнинг буюк ўзгартирувчилик кучини, социалистик тузумнинг афзалликларини, халқлар дўстлиги ва қардошлиги ленинча миллий сиёсатининг тантанасини ёрқин исбот этади.

Республика меҳнаткашларининг ажойиб муваффақиятлари Грузия Коммунистик партияси фаолияти билан чамбарчас боғланган. Грузия Коммунистик партияси коммунистик қурилишнинг улуғвор планларини амалга ошириш йўлида катта ишлар қилмоқда, меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбияламоқда.

Грузия Совет Социалистик Республикасининг эллик йиллиги КПСС XXIV съезди қарорлари туфайли сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати ғоят ўсган бир вазиятда байрам қилинмоқда. Мамлакатимизнинг барча халқлари каби Грузия ССР меҳнаткашлари ҳам ССРнинг иқтисодий қудратини янада юксалтириш, совет халқининг фаровонлигини ошириш юзасидан съезд белгилаб берган программани амалга ошириш учун курашни авж олдирмоқдалар, меҳнат унумдорлигини янада ўстириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш учун қунт билан кураш олиб бормоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети Грузия ССР ишчилари, колхозчилари, зиёлиларини республиканинг Октябрь революцияси ордени билан мукофотланганлиги билан самимий табриклайдилар ва улар КПСС XXIV съездининг қарорларини амалга ошираборий, халқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантиришда, тўққизинчи беш йиллик планларини бажаришда янгидан-янги катта ғалабаларга эришадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

Яшасин Грузия Совет Социалистик Республикаси!

Яшасин КПССнинг жанговар отряди — Грузия Коммунистик партияси!

Яшасин мамлакатимиздаги барча халқлар дўстлиги ва қардошлигининг таянчи — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Яшасин коммунизм қурилишининг илҳомчиси ва ташкилотчиси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Бутун куч-ғайратни КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини, янги беш йиллик планни бажаришга сарфлайлик!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ **СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ** **СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**



КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВни Тбилиси аэродромида кутиб олиш.

(«Правда»нинг махсус фото мухбирлари **А. Пахомов** ва **В. Соколов** фотоси)

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ АКТИВИ УЧУН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги республика партия активи мактабининг 14 майда навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов «КПСС XXIV съезди партияни ривожлантириш тўғрисида ва партия ички ҳаётидаги баъзи масалалар» деган мавзуда лекция ўқиди. (ЎзТАГ).

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН, ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ

Грузия Компартияси Марказий Комитети ва Грузия ССР Олий Советининг тантанали мажлиси

Грузин диёрига улкан шодиёна байрам келди. Совет Грузиясининг меҳнаткашлари социалистик Ватанимизнинг барча халқлари билан биргаликда Грузия Совет Социалистик Республикасининг ва Грузия Коммунистик партиясининг 50 йиллигини нишонламоқдалар.

Юбилей тантаналари тарихий кунларда ўтмоқда. КПСС XXIV съезди тарихий қарорларидан илҳомланиб, сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати ғоят жўш урган бир вазиятда совет халқи тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йили планини муваффақиятли бажариш учун астойдил курашмоқда. Умумхалқ социалистик мусобақаси кенгайиб бормоқда, бу мусобақада Грузия ССР меҳнаткашлари фаол иштирок этмоқдалар. Бугунги кунда Тбилиси машинасозлари, Рустави металлурглари Чиатура ва Ткварчели кончилари, пешқадам колхозлар ва совхозларнинг коллективлари, Совет Грузиясидаги юз минглаб меҳнаткашлар партия белгилаган режаларини амалга ошириш учун фидокорона, ижодий меҳнат қилмоқдалар.

Грузин халқи халқлар дўстлигининг ленинча байроғи остида экономика ва маданиятнинг барча соҳаларида ажойиб муваффақиятларни қўлга киритди. Грузия меҳнаткашлари Ленин партияси раҳбарлигида. Совет Иттифоқидаги халқларнинг қардошлик ёрдами билан КПСС XXIV съезди қарорларини бажариш учун умумхалқ мусобақасига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга астойдил аҳд қилган.

14 майда Тбилисида Грузия Коммунистик партияси Марказий Комитети билан Грузия ССР Олий Советининг тантанали мажлиси бўлиб ўтди. Байрамлардагидек безатилган янги концерт залида Грузия Компартияси Марказий Комитети аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, СССР ва Грузия ССР Олий Советларининг депутатлари, саноат ва қишлоқ хўжалигининг донгдор кишилари, олимлар, санъат усталари, партия, совет, жамоат ташкилотларининг, Совет Армияси жангчиларининг вакиллари тўпланишди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларининг Олтин юлдузлари, орден ва медаллар уларнинг кўкрагида ярқираб турибди.

Л. И. Брежнев, В. В. Гришин, Д. А. Кунаев, П. Е. Шелест, П. М. Машеров, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов ўртоқлар. Грузия Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари ва бюро аъзолари, ҳарбий бошлиқлар, иттифоқдош республикалар, қаҳрамон шаҳарлар, СССР Қуролли Кучлари делегацияларининг бошлиқлари гулдурос қарсаклар остида президиумдан жой оладилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. П. Мжаванадзе мажлис иштирокчиларига қарата қирқ нутқи сўзлади. У бундай деди:

— Ҳар бир кишининг ҳаётида тарихий саналар бўлади. Кишининг туғилган куни айниқса кувончли, айниқса азиз кундир. Бу кунни бутун оила аъзолари барча дўстлари билан нишонлайди. Бутун бир республиканинг туғилган куни етиб келганида эса бу умумхалқ тантанасидир, умумхалқнинг катта байрамидир.

Бугун бизнинг Грузия диёрига шундай байрам келди. Бизнинг диёримизда ҳар бир хонадонда, ҳар бир оилада байрам, ҳар бир кишининг. республикамиздаги барча меҳнаткашларнинг қалби хушнуд. Бугун биз Грузия Совет Социалистик Республикаси билан Грузия Коммунистик партиясининг туғилган кунини, уларнинг шонли 50 йиллигини байрам қилмоқдамиз.

Кўпгина қардош республикалар — Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Озарбайжон ва Арманистон ҳозиргача ўзларининг ярим асрлик юбилейини нишонлаб ўтди.

Бу ҳақда Леонид Ильич Брежнев бундай деган эди: «Бу социалистик миллатлар равнақининг, Ватанимиздаги барча халқлар монолит бирлигининг унутилмас намойиши бўлди».

Бугун Совет Грузияси эстафетани қабул қилиб олмоқда. Барча кардош республикалар сингари Грузия ҳам ленинча миллий сиёсатни — халқлар тенглиги ва дўстлиги сиёсатини амалга оширишнинг ёрқин намунаси бўла олади. КПСС XXIV съездида айтилганидек, халқларнинг тенглиги ва дўстлиги сиёсати социализмнинг қўлга киритган энг катта ғалабаларидан биридир.

Совет Грузиясининг ярим асрлик юбилейи нишонланаётган шу кунлар алоҳида мазмун, алоҳида аҳамиятга эгадир. КПСС XXIV съезди ўз ишини тамомлагандан буён бир ой ўтди. Шу вақт ичида ҳар бириниз съезд, унинг қарорлари таассуроти билан, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия Марказий Комитети номидан қилган ҳисобот доклади таассуроти билан яшамоқдамиз.

Съезд делегатларининг шу жумандан олган куч-қудратлари, илҳомлари ва ғайратлари мамлакатимизнинг барча коммунистларига, барча меҳнаткашларига ўтди. Бу бамисоли сиёсий ва меҳнат жўшқинлигининг қудратли оловини яна ловуллатиб юборгандек бўлди.

Совет кишилари КПСС XXIV съездининг иши, унинг қабул қилган барча қарорлари инсон тўғрисида, унинг бахт-саодати, маънавий, маданий камолоти ва моддий фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик билан сугорилганлигини, инсоннинг эҳтиёжлари ва талаблари партиянинг диққат марказида турганлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқдалар.

Инсониятнинг энг яхши заковатли кишилари ҳамма нарса инсонпарварлик, одамийлик ғояларига асосланадиган, инсоннинг қадр-қимматига ҳурмат руҳи ҳукмрон

(Давоми учинчи бетда).

СОВЕТ ГРУЗИЯСИНИНГ ЭЛЛИК ЙИЛЛИГИ

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Дўстлар!

Ҳар бир халқнинг ҳаётида шундай воқеалар борки, бу воқеалар унинг тақдирини бутунлай ўзгартириб юборади, унинг тарихида янги давр очади. 1921 йилда Грузияда Совет ҳокимияти эълон қилинганлиги грузин халқи учун шундай воқеа бўлиб қолди. Эллик йил хатто бир кишининг ҳаётида ҳам унчалик катта умр эмас. Халқлар ва давлатлар учун эса бу жуда ҳам фурсат. Бугунги кунни, социалистик Грузиянинг ва Грузия Коммунистик партиясининг 50 йиллиги байрам қилинаётган кунни гўзал республикамизнинг пойтахтида ва равнақининг тантанаси деб ҳисоблаш мумкин.

Мана шу тантанали кунда сизларнинг меҳмондўст пойтахтингизда яна сизлар билан бирга бўлганлигимдан жуда ҳурсандман. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номидан, барча совет кишилари номидан сиз азиз ўртоқларни, республиканинг барча меҳнаткашларини, барча коммунистларни шонли байрам билан — Грузия Совет Социалистик Республикасининг ва Грузия Коммунистик партиясининг эллик йиллиги билан қизғин муборакбод қилишга руҳсат этгайсиз.

Грузия асрлар ва минг йиллар давомида қийин, машаққатли ва баланд-паст йўлларни босиб ўтди. Закавказье истилочиларнинг ғалаларини ўзига магнит каби тортаверди. Кимлар чанг солмади бу ерга. Бироқ грузин халқининг бошига тушган кулфатлар уни бука олмади, унинг бунёдкорлик ғайратини сўндира олмади. Бу ғайрат туфайли Грузия вайроналар ва ҳаробалардан қайта-қайта бош кўтариб, ўзининг қаддини ростлаб олаверди. Лекин, эксплуататорлик тузумининг занжирлари улоқтириб ташлангандан кейингина грузин халқининг ижодий даҳоси тўла равишда, тўла куч билан ўзини кўрсата олди.

Абадий қорлар қоплаб турган Кавказ тоғлари оммавий социал ижодкорликнинг бундай парвозини, халқ орасидан ёрғучликка, эркинликка, тараққиётга бўлаётган бундай астойдил ғайратли интилишни илгари ҳеч қачон кўрмаган эди! Россия империясининг собиқ ярим феодал чекка ўлкаси тарихан қисқа вақт ичида замонавий саноатга ва юксак даражада ривожланган қишлоқ хўжалигига эга бўлган социалистик давлатга, ёпасига саводхон республикага, илғор фан ва маданият республикасига айланди. Василий Павлович Мжаванадзе докладида грузин халқининг тарихий тақдири ва қилган ишлари жуда таъсирли қилиб тасвирлаб берилди, шу докладда тасвирланган манзара ҳеч кимни таъсирлантирмай қололмайди.

Украина, Белоруссия ва Қозоғистон, Арманистон ва Озарбайжоннинг 50 йилликлари муносабати билан ўтказилган юбилей тантаналарида ҳозир бўлишдек катта шарафга муяссар бўлганман. Ҳар сафар биз ана шу шонли йилликларни нишонлар эканмиз, совет мамлакатининг қаҳрамонлик тарихини яна бир марта бошимиздан кечиргандек бўлавердик, қардош халқларни социализмга. дўстликка ва бирликка олиб келган йўлни қайта ва қайта фикран ҳаёлимиздан ўтказавердик. Бошқа ўртоқлар каби мен ҳам бугун сизларнинг меҳмонингизман, Грузиянинг меҳмониман. Бу ерда сизлар билан бирга байрам қилар ва қувонар эканман, яна бир марта шуни уқтириб ўтмоқчиманки, Грузия босиб ўтган ва ўтаётган йўл халқларимиз бутун улуғ ҳамдўстлигининг йўлидир.

Социалистик ижтимоий тузум табиатининг ўзи, партиямиз ленинча миллий сиёсатни изчиллик билан амалга оширганлиги мамлакатимиз халқларини жипслаштирди, уларнинг дўстлигини совет мамлакатини ривожлантираётган ҳаракатлантирувчи кучга айлантирди. Совет Иттифоқидаги барча миллатлар ва элатлар ғайрати ва ижодкорлигининг битмас-туганмас манбаига айлантирди. Бобокалонларимизнинг ерга, жонажон ерларимизга, ўз тилига, ўз анъаналарига ва урф-одатларига бўлган битмас-туганмас муҳаббат, меҳр ва садоқат ҳиссларини бошидан кечирмаган одам бўлмаса керак. Лекин совет жамиятида мана шу ҳис — ватанпарварлик ҳисси миллий мансублик билан чеклаб қўйилган чегарадан ошиб кетиб, янги мазмун билан тўлмоқда.

Биз ҳаммамиз қайси республикада яшамайлик, совет ватанпарварларимиз, битта социалистик Ватаннинг фарзандларимиз. Тинч океандан Балтика денгизигача, Шимолий муз океанидан Помир ва Кавказгача чўзилган мана шу бепоён ерлар бизнинг жонажон юртимиз, Ватанимиздир. Мана шу юртда одамлар қўли билан бунёд қилинган нарсаларнинг ҳаммаси — азим шаҳарлар, жуда катта саноат комплекслари ва гуллаб-яшнаб турган экинзорлар, электр станцияларнинг каскадлари, маънавий маданият бойликлари — мана шулар ҳаммамиз қилаётган меҳнатнинг самарасидир, муштарак мулкимиздир, совет халқининг мулкидир.

Халқларнинг бузилмас дўстлиги социализм туфайли вужудга келди. Бу дўстлик — ижтимоий тузумимизнинг маҳсули. Ленин партияси миллий сиёсатининг маҳсули. Лекин унинг томирлари чор Россиясининг халқлари самодержавиега қарши, эксплуатация ва зулмга қарши курашчиларнинг умумий сафига келиб қўшилган тарихий даврга бориб тақалади. Грузин халқининг фарзандлари ҳам мана шу сафда муносиб ўрин олиб турибди.

Грузиядаги революцион курашнинг тарихи рус халқи революцион ҳаракатининг, Кавказдаги барча халқлар революцион ҳаракатининг тарихи билан, Владимир Ильич Ленининг фаолияти ва таълимоти билан чамбарчас боғланган. Грузин пролетариати етказиб берган атоқли революционерлар — Алёша Жапаридзе, Ладо Кецховели, Филипп Махарадзе, Серго Оржоникидзе, Иосиф Сталин, Александр Цулукидзе, Михо Цхакаялар билан бирга Михаил Иванович Калинин, Сергей Миронович Киров, Виктор Курнатовский ва Иван Фиолетов, Степан Шаумян, Сурен Спандарян ва Камо (Тер-Петросян), Машад Азизбеков ва Наримон Наримоновлар пролетар муштарак иши учун курашдилар.

Булгур Еревандаги юбилей тантаналарида Ленининг бир гапини айтиб ўтган эдим. Шу гапни бу ерда ҳам яна такрорламоқчиман, ўртоқлар. Ленин бундай деган эди: «Бизда Кавказда ҳам социал демократ грузинлар арманлар+татарлар+руслар **бирга, бир бутун социал демократик** ташкилотда **ўн йилдан ортиқ** ишладилар. Бу — қуруқ гап эмас, балки миллий масалани пролетарча ҳал қилишдир. Бундан-бир ҳал қилишдир» (В. И. Ленин. тўла асарлар тўплами, 48-том, 162-бет).

Ҳақиқатан ҳам, ўртоқлар, марксизмнинг миллий масалани бундай ҳал қилиб берганлиги революция ва граждан уруши бўронларида, қайнаб тошган беш йилликларда, Улуғ Ватан уруши жангларида синаб кўрилди ва у ҳамма синовлардан муваффақият билан ўтди.

Грузия ишчилар синфи, меҳнаткашлари Петрограддаги қуролли қўзғолончиларнинг ғалабаси тўғрисидаги хабарни эшитиб ҳурсанд бўлишди. Бироқ грузин меньшевиклари, арман дашноқлари, озарбайжон мусаводчилари чет эл империалистларининг ёрдамига таяниб, Закавказьени Совет Россиясидан вақтинча ажратиб олишга эришдилар. Уч йил давомида дастлаб немис-турк интервенциячилари, сўнгра Англия, Франция, Америка интервенциячилари меньшевиклар билан биргалашиб олиб, Грузияда Совет ҳокимияти ўрнатилишига йўл қўймасликка, уни империализмнинг мустамлакасига айлантиришга уриндилар. Бутун мана шу йиллар давомида ҳам большевистик партия ташкилотларининг раҳбарлигида Грузия меҳнаткашлари интервенциячиларга ва уларнинг меньшевик қўғирчоқларига қарши кураш олиб бордилар.

1921 йилнинг февралида грузин пролетариати халқ ғоят ёмон кўриб қолган меньшевиклар режимига қарши қўзғолон кўтарди. Меньшевиклар Антанта империалистларидан қуролли ёрдам сўрашга киришдилар. Грузия ревкоми қўзғолончилар номидан Ленин ҳукуматига мурожаат қилди. Ўша тарихий ҳужжатда бундай дейилган эди: «Фақат улуғ пролетар революцияси мамлакатигина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга буюк моддий имкониятларга ҳам эга бўлган мамлакат тенгсиз курашда бизни ёлғиз қолдирмайди ва янги туғилган Грузия Социалистик Совет Республикасига ёрдамга келади, деб умид қиламиз, ишонамиз»*. Қизил Армия қўзғолончиларга ёрдамга келди. 25 февралда грузинларнинг қадимий ажойиб пойтахтингиз озод қилинди. Грузия Совет Республикаси бўлиб қолди.

В. И. Ленин янги, социалистик Грузия учун курашда грузин коммунистларига шахсан доимий ёрдам бериб турди. Ленининг жуда кўп нутқлари, ҳатлари ва телеграммалари сизларга яхши маълум, албатта. Бу ҳужжатлар Грузиядаги хўжалик ва маданий қурилишнинг конкрет проблемалари билан шуғулланмоқ учун Ленин фурсат топганлигини кўрсатиб турибди.

Совет Грузиясининг меҳнаткашлари Ленин тузиб берган режаларга амал қилиб, Россия Федерациясининг, бошқа республикаларнинг қардошларча ёрдамига таяниб, социализм пойдеворини муваффақият билан қуриб олдилар. Биринчи беш йилликлар давомида республика жуда кўп завод ва фабрикалар, колхозлар ва совхозлар, кутубхоналар ва олий ўқув юртлари билан қопланди. Чуқур социал-иқтисодий ўзгаришлар қилинди, маданий революция амалга оширилди. Грузияда социализм рўй-рост ғалаба қозонди.

* «Борьба за победу советской власти в Грузии. Документы и материалы», Тбилиси, 1958, стр. 659.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

(Боши биринчи бетда).

Бу ерда, мана шу залда шонли ленинча партиямизнинг намояндалари — Грузияда ишчилар синфининг ҳокимияти учун курашган, грузинлар диёрида социализм қурган кишилар ўтирибди. Революция ва биринчи беш йилликларнинг ветеранларини чин кўнгилдан қизғин табриклашга, уларга сиҳат-саломатлик ва узоқ умр, бахтли ҳаёт тилашга ижозат бергайсиз, ўртоқлар.

Мамлакатимиздаги ҳамма халқларни бир бутун қилиб жипслаштирган янги тузумнинг енгилмас қуввати, совет ватанпарварлиги Улуғ Ватан урушининг даҳшатли йилларида жуда зўр куч билан ўзини кўрсатди. Мана шу тарихий жангда Грузия халқи ҳам Совет Иттифоқининг барча халқлари билан елкадош бўлиб, жон бериб жон олди. 1942 йилнинг ёзида душман жуда катта талафотлар бериб бўлса ҳам, Кавказ тоғларининг этакларига ёриб ўтди. Уруш республика чегараларига, уйингизнинг остонасига жуда яқинлашиб қолди. Грузин меҳнаткашлари тоғлардаги қийин шароитда мудофаа истеҳкомлари қурдилар. Улар ёзнинг жазирама кунларида, кузнинг шаррос ёмғирлари остида ва қиш бўронлари чоғида фронтга ўқ-дори, озиқ-овқат, яроғ-аслаҳа етказиб бериб турдилар.

Сафларида грузин жангчилар ҳам мардонавор жанг қилган совет қўшинларининг қаҳрамонона куч-ғайратлари билан душман тор-мор келтирилиб, улоқтириб ташланди. Грузин жангчилар барча кўп миллатли Совет Армияси билан биргаликда Кавказ тоғларининг этакларидан Берлингача зафарли йўлни босиб ўтдилар. Орзиқиб кутилган дамлар етиб келди. Рейхстаг устида Қизил байроқ — Ғалаба байроғи ҳилпиради. Уни оддий аскар Егоров, сизнинг юртдошингиз — сержант Кантария, старший лейтенант Самсонов ўрнатдилар. Шу байроқнинг дастагини бояги уч қаҳрамон билан бирга миллион-миллион солдат қўллари ҳам, ғалабани кутиб олганлар ҳам, ғалаба учун жонини фидо қилганлар ҳам ушлаб турди, дейиш мумкин.

Мен истеъдодли совет саркардаларидан бири — 18-армия қўмондони генерал-полковник К. Н. Леселидзе билан биргаликда жанг қилган эдим. Фронтда кишининг юрагида бори юзидан тез билинади, у ерда кишининг кимлигини дарҳол билиб оласиз. Константин Леселидзени грузин халқи энг яхши миллий хислатларини ўзида мужассам қилиб олган киши сифатида эслайман. К. Леселидзе ҳаётни севувчи ва ботир, душманларга даҳшатли ва дўстларга саҳоватли, виждонли, вафодор ақли ўткир ва оташ қалб киши эди.

Азиз ўртоқлар! Шуни сизга ғоят хурсанд бўлиб маълум қиламанки, немис фашист босқинчиларга қарши олиб борилган жангларда қўшинларга моҳирона раҳбарлик қилгани, бунда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун кеча генерал-полковник Леселидзега Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Константин Николаевич Леселидзе шундай фазилатли танҳо бир киши эмас эди, албатта. Грузин халқининг неча ўн минглаб ботир ўғлонлари сўнмас шон-шуҳрат қозондилар. Шулардан 137 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлди, 240 мингдан ортиқ киши орден ва медаллар билан мукофотланди.

Фронт орқасида ишлаб турганларнинг меҳнатдаги қаҳрамонлиги жангчиларнинг шижоатларидан қолишмас эди. Грузия фронтга самолётлар, автомат қурол ва яроғ-аслаҳанинг бошқа турларини, ўқ-дорилар, кийим-кечак ва озиқ-овқат бериб турди. Грузиянинг госпиталларга айлантирилган касалхоналари ва шифохоналари юз минглаб ярадорларнинг яна фронтга қайтишларига ёрдам берди. Бошқа республикалардан эвакуация қилинганларга грузин халқи чин қалбдан меҳрибонлик кўрсатди. Кўп миллатли совет давлати қудратининг ва енгилмаслигининг метин негизи бўлган ленинча халқлар дўстлиги мана шунинг ўзида ҳам яна намоён бўлди.

Бундан бир неча кун аввал бутун мамлакатимиз улуғ ғалабанинг 26 йиллигини байрам қилди. Грузинлар диёрида ҳам катта байрам бўлди. Улуғ Ватан уруши ветеранларини — бизнинг тантанали мажлисимизда ўтирган ветеранларни ҳам, ҳозир радиоприёмниклар ва телевизорлар олдида ўтирган ветеранларни ҳам кутлашга ижозат бергайсиз, ўртоқлар. Сиз азиз жанговар дўстларни сидқидилдан табриклайман! Ўзларининг жанговар шижоатлари ва фидокорона меҳнатлари билан бизга ғалаба келтирганларнинг ҳаммасини табриклайман ва кутлайман.

Грузия фронтга олти юз минг нафардан кўпроқ жангчи берди. Шу жангчиларнинг ҳар уч нафаридан бири совет Ватанининг озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиб, жанг майдонида шаҳид бўлди. Шаҳид бўлган оталари, эрлари ва фарзандларига мотам тутиб, қора кийиб юрган хотин-қизларни ҳозир ҳам Грузия шаҳарлари ва қишлоқларида кўпинча учратиш мумкин. Бу мотам бизнинг учун муқаддас мотамдир. Урушнинг оловли йўлларидан қайтиб келмаганлар хотираси абадий сақлансин ва уларга абадий шон-шарафлар бўлсин!

Совет халқи фашизмни тор-мор келтириб, тинч меҳнатга қайтди. Шундан бери ўтган чорак аср ичида мамлакатимиз олға томон жуда катта қадам қўйди. Янги тарихий босқичга — коммунистик жамият қуриш босқичига ўтди. Сизларнинг республикангизда ҳам жуда катта ўзгаришлар рўй берди.

Мана шундай ўзгаришлар бўлганлиги ҳамма нарсадан—шаҳар ва қишлоқларнинг янги қиёфасидан, янги заводлар, электр станциялар ва институтлардан, унумдор ерларнинг янги массивларидан ҳам кўриниб турибди. Буни меҳнат аҳлининг — ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлиларнинг янги қиёфаси ҳам билдириб турибди.

Грузин ишчилар синфи ҳозирги кунда бир миллионга яқин малакали кишилардан иборат бўлиб, уларнинг ярмидан кўпроғи ўрта маълумотга эга. Улар замонавий корхоналарда ишламоқдалар, мураккаб механизмларни, энг қимматли ускуналарни ва бошқа аъло буюмларни ишлаб чиқмоқдалар.

Яқин-яқинларда ҳам меҳнат аҳлини кўкларга кўтариб мақтамоқчи бўлган кишилар «қўли олтин уста» дейишар эди. Мамлакатимиздаги илғор ишчининг фақат қўлигина олтин эмас, у хилма-хил билимларни билади, унинг савияси кенг, меҳнатни социалистик ташкил этишда, меҳнат интизомини мустаҳкамлашда, партиянинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишда қатнашиб, катта тажриба орттирган. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, экономикани интенсив ривожлантириш проблемаларини ҳал этиш бундай ишчининг қўлидан келади. У фан-техника революциясининг жуда катта вазифаларини ҳал этишда бевосита қатнашадиган бўлиб қолди. Грузия ишчилари—ҳозирги замон совет ишчилар синфининг муносиб отряди. Мана шу ишчилар синфи тўғрисида биз ўзимизнинг XXIV съездимизда фахрланиб гапирдик.

Республика колхозчи деҳқонлари ҳам ишчилардан қолишмайди. Улар ҳам янги, совет тарбиясини кўриб шаклланган кишилардир. Грузин деҳқонларининг меҳнатсеварлиги қадимдан маълум. Ҳозирги кунда эса уларнинг меҳнатсеварлиги коллектив кучи билан, жуда хилма-хил қишлоқ хўжалик машиналари ва кўпинча ноёб қишлоқ хўжалик қуроллари билан қўшилиб, янада кўпайиб кетди. Улар агротехниканинг янги методларини эгаллаб олдилар. Грузия ана шуларнинг қўли билан гуллаб турган сермева боғ-бўстонга айлантирилди.

Грузиянинг янги халқ зиёлилари ҳам жуда катта бунёдкорлик ролини ўйнамоқда. Эндиликда бу зиёлилар ноёб кишиларнинг тор доираси эмас. Эндиликда бу зиёлилар ўн минглаб муаллимлар ва врачларни, инженерлар ва агрономларни, олимлар ва ишлаб чиқаришнинг ташкилотчиларини, маданият арбоблари ва олий ўқув юртларининг муаллимларини ўз ичига олади. Грузин зиёлилари ишчилар билан бирга, деҳқонлар билан бирга янги турмуш қуришда актив қатнашмоқда, ўзларининг бутун билимларини, ақл-заковатларини ва истеъдодларини халқ бахт-саодатига сарфламоқдалар.

Ўртоқлар! Мен қийин бир аҳволда турибман. Сизларнинг республикангизда минг-минглаб ажойиб металлурглар ва машинасозлар, кончилар ва механизаторлар, соҳибкорлар ва чойкорлар, колхозларнинг раислари ва корхоналарнинг директорлари, инженерлар ва олимлар, ёзувчилар ва рассомлар завқ-шавқ билан меҳнат қилмоқда. Мана шу ажойиб кишиларнинг ҳаммасини номма-ном айтиб ўтишни жуда истар эдим. Лекин бунинг учун, ўзингизга маълумки, сизларни мажлисингизга кетгач вақтдан қолишмайдиган вақт керак бўлур эди. Шу сабабли, ўртоқлар, ўз ишининг чинакам миришкорлари бўлган мана шу кишиларнинг ҳаммасини — Грузия меҳнаткашларининг гули ва қаймоғини бирга табриклаб қўяқолайлик. Улар мамлакатимизнинг шуҳратини ташкил этган ва юлдуздек чақнаб турган номлар жумласига киради. Уларга шон-шарафлар ва офаринлар бўлсин, уларга бутун халқ номидан раҳмат!

Грузин ишчилари ва деҳқонларининг, грузин зиёлиларининг ҳормай-толмай қилаётган меҳнати туфайли Грузиянинг халқ хўжалиги, маданияти бутун совет халқининг иқтисодий ва маданий тараққиётида катта ўрин олиб турибди.

Тбилиси, Кутаиси, Сухуми, Батуми, Рустави, Чиатури, Цхинвали ва республиканинг бошқа кўпгина шаҳарларидаги корхоналар ишлаб чиқарган хилма-хил саноат маҳсулотлари мамлакатимизнинг ҳамма томонига кетма-кет юборилиб турибди. Узум ва цитрус мевалари, тамаки ва чой, тунг мойи ва юқори сифатли винолар ишлаб чиқаришда Грузия бутун Совет Иттифоқида олдинги ўринларнинг бирини олиб турибди.

Грузин олимлари совет фанини ривожлантиришда катта роль ўйнамоқдалар. Ватанимиз фанининг ифтихори бўлган математика, физиология мактаблари ва бошқа илмий мактаблар шу ерда вужудга келди. Ҳозирги вақтда Грузия жуда яхши ускуналанган институтларгагина эга бўлиб қолмасдан, шу билан бирга бутун дунёга танилган йирик олимларга ҳам эга. Улар бошқа республикаларнинг олимлари билан ҳамдўст бўлиб ишлаб, мамлакатнинг фан-техника тараққиётига жуда катта ҳисса қўшмоқдалар.

Совет маданиятининг энг зўр самарали оқимларидан бири бўлган грузин санъати Совет Иттифоқида юксак даражада қадрланади ва севиб ҳурмат қилинади. Грузин музикаси, поэзияси, театри, киноси совет кишиларининг ички дунёсини бойитмоқда, уларни эзгуликка, порлоқ идеалларга ундамоқда, бахтли, қувноқ ҳаётга ҳалақит бераётган нарсаларнинг ҳаммасига қарши курашга руҳлантирмоқда.

Маънавий бойликлар яратиш — нозик ва мураккаб иш. XXIV съездда партия адабиёт, санъатни ривожлантиришга катта эътибор берди, кўп миллатли совет маданиятини юксалтиришнинг янги истиқболларини очиб берди. Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» асари сингари асрлар бўйи унутилмайдиган асарлар тез яратилавермаслигини ҳаммамиз биламиз. Шундай бўлса ҳам фақат бизларни, замондошларнигина руҳлантириб, юрак торларини чертиш билан чекланиб қолмайдиган чуқур мазмунли ва бадиий кучга эга бўлган асарлар бизда кўпроқ пайдо бўлишини истар эдик. Орадан ўн йиллар ўтиб кетганидан кейин ҳам бизнинг авлодларимиз: 70- йиллардаги совет кишиларидан ўзлари яшаган улуғ даврга, ўзлари қилган улуғ ишларга муносиб бебаҳо мерос олдик, деб айта оладиган бўлсинлар!

Ўртоқлар! Грузияни гуллаб-яшнаб турган социалистик республикага айлантиришда грузин ишчилари, деҳқонлари, зиёлиларининг, абхазлар, осетинларнинг, республикангизда бирга яшаб, бирга меҳнат қилаётган барча миллат меҳнаткашларининг хизмати катта. Бунга эришишда партия ташкилотларининг ташаббусини ва куч ғайратини бирлаштириб, мамлакатимизда коммунизм қуриш учун курашнинг умумий ўзанига уларни йўллаб турган Грузия Коммунистик партияси ва унинг Марказий Комитетининг хизмати катта. Партия раҳбарларини, партия активларини, республиканинг барча коммунистларини, азиз дўстлар, Грузия Коммунистик партиясининг 50 йиллиги билан чин кўнгилдан қутлашга ва социалистик Грузиянинг бахт-саодати йўлида, бутун социалистик давлатимизнинг бахт-саодати йўлида уларга янги катта муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Грузия Компартиясининг ва меҳнаткашларининг хизматларини уқтириб ўтаётган эканмиз, бу билан биз барча совет коммунистларининг, мамлакатимиздаги барча меҳнаткашларининг муваффақиятлари тўғрисида ҳам гапирган бўламиз. Фақат Грузиянинг ўзидагина эмас, шу билан бирга Москва, Ленинград, Киев, Горький, Боку, Ереван ва бошқа кўпгина шаҳарларнинг ҳам олий ўқув юртларида тайёрланган мутахассисларсиз ҳозирги кунда Грузияни тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозирги кундаги Грузияни бутун Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг санъат хазинасидан истаганича олаётган маънавий бойликларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Грузиянинг ҳозирги қиёфаси — Грузияни Ватанимиздаги бошқа қардош республикалар ва халқлар билан узвий равишда пайвандлаб турган узилмас хўжалик, илмий-техникавий, маданий алоқаларнинг натижасидир.

Бизнинг социалистик воқелигимиз мана шундай: Ҳамма ҳар биримиз учун ишлайди, ҳар биримиз ҳамма учун ишлаймиз. ССР Иттифоқи халқлари дўстлиги, партиямиз ленинча миллий сиёсати тантана қилганлигининг ҳамма сезиб турган реал натижаси мана шундай. Шу сабабли, ўртоқлар, ҳар бир республиканинг юбилейи барча совет кишилари учун байрамдир. Шу сабабли бу залда Совет Иттифоқининг ҳамма республикаларидан келган жуда кўп меҳмонлар ўтиришибди. Социализмнинг энг катта ғалабаларидан бири бўлган совет халқлари дўстлигини бўшаштира оладиган куч дунёда йўқ.

Совет Социалистик Республикалари ташкил топган кунга келгуси йилнинг охирида ярим аср тўлади. Бизнинг иттифоқимиз мана шу юбилейни ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларида жуда катта муваффақиятлар билан кутиб олмоқда, куч ғайрати тўлиб, ўз кучига, коммунизм улуғ ишининг тантанасига ишончи комил бўлиб кутиб олмоқда. Зотан бизнинг Иттифоқимиз коммунизм ишининг ғалабасини таъминлаш учун тузилган. Уни ташкил этган халқлар ҳам мана шу ғалабани таъминлаш учун курашмоқдалар ва меҳнат қилмоқдалар. Совет халқлари оиласи ҳам ўзининг эллик йиллигига тағин ҳам кўпроқ аҳил бўлиб, ўзининг жонажон Коммунистик партияси теварагига тағин ҳам жипслашган ҳолда келади.

Ўртоқлар! Сизларнинг юбилейингиз алоҳида вазиятда нишонланмоқда — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съезди туфайли оммавий активлик ва меҳнат ғайрати юксалган вазиятда нишонланмоқда. Съезд совет жамияти турмушининг ҳамма соҳаларида, барча йўналишларида партия ўтказадиган сиёсатни белгилаб берди. Съезд қарорлари, унинг ғоялари ҳозир партия ва мамлакат сиёсий ҳаётининг марказида турибди. В. И. Лениннинг юбилейлар хусусидаги маслаҳатига амал қилиб, бу ерда баъзи масалалар тўғрисида гаплашиб олайлик. Бу масалалар гарчи бугунги тантана доирасига кирмаса ҳам, лекин ҳамма учун катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда миллион-миллион коммунистлар ва партиясизлар съезд материалларини ўрганмоқдалар, съезд қўйган вазифаларнинг мағзини чақмоқдалар, бу вазифаларни ҳал этиш йўлларини муҳокама қилмоқдалар. Бутун партия, юқоридан то қуйигача барча партия ташкилотлари ва меҳнаткашларнинг коллективлари съезд қарорларини маъқулладилар. Марказий Комитет бутун халқнинг мана шундай маъқуллашини юксак даражада қадрлайди, партия ташкилотлари, коммунистлар, партиясизлар съезд кўрсатмаларини амалга оширишга конкрет, ишчанлик билан ёндошишларига алоҳида аҳамият беради.

Партия СССР Госпланидан, фан ва техника давлат комитетидан, Иттифоқ министрликлари ва идораларидан, Фанлар академиясидан, касаба союзлари ва комсомолдан қўйилган вазифаларни конкрет ишлаб чиқишларини ва энг муҳими, амалий ишлар қилишларини кутмоқда. Партия республика партия, совет ва хўжалик органларидан, областлар ва ўлкалардан, заводлар ва колхозлардан, меҳнаткашларнинг ҳар бир коллективидан ҳам шуни кутмоқда. Ҳатто энг кичкина партия ташкилоти ҳам ҳамма нарсани яхши ҳисоблаб чиқса, ҳамма нарсани пайқаб олса, ҳамма нарсани ишга солса, кўп нарсалар қилиши, кўпгина янги имкониятларни топиши мумкин.

Хуллас, ўртоқлар, съезд қарорларини маъқуллашдан, съезд йўлини тушунтириб беришдан уни амалга оширишга ўтиш чоғида суръатни қўлдан бермаслик керак. Съезднинг кадрларга, бутун партияга, барча меҳнаткашларга берган ижодий ғайрати бўшаштирилмаслиги керак. XXIV съезд туфайли вужудга келган куч ва ғайратнинг қудратли тўлқинида катта амалий ишлар ўзанига, кундалик ишлар маромига тез, моҳирлик билан суръатни сусайтирмай ўтиб олмоқ учун мана шу ғайратдан тўла фойдаланиш жуда ҳам зарур, чунки коммунизм сари олға бориш учун қабул қилинган планнинг бажарилиши мана шунга боғлиқ. Съезд кўрсатиб берган йўл билан бориб, янги чўққиларга кўтарилмоқ учун, совет халқи тағин ҳам яхшироқ турмуш кечирмоғи учун ҳаммамиз яхшироқ ишлашни ўрганиб олишимиз лозим. Ижтимоий тараққиётнинг мантиқи мана шундай, коммунизм сари бориш мантиқи мана шундай.

Тўққизинчи беш йиллик биринчи йили топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун ҳозирги вақтда бутун мамлакатда социалистик мусобақа авж олдирилмоқда. Бу мусобақани Москва ва Ленинград меҳнаткашлари бошлаб бердилар. Грузия республикаси меҳнаткашларининг мажбуриятлари ҳам тез орада «Правда» саҳифаларида пайдо бўлиб қолади деб умид қиламан. Бу мажбуриятларни барча совет кишилари ўқиб мамнун бўладилар.

Ўртоқлар! Шу дамгача мен экономика тўғрисида, партиянинг XXIV съездида халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида қўйилган вазифаларни амалга ошириш тўғрисида гапирдим. Лекин бу гаплар олдимизда турган ишларнинг бошқа ҳамма соҳаларига ҳам тааллуқлидир.

Совет жамиятининг, бу жамиятдаги барча синфлар ва социал табақаларнинг, буюк совет халқини ташкил этган барча миллатлар ва элатларнинг бирлигини янада мустаҳкамлаш йўлини изчиллик билан ўтказавериш катта аҳамиятга эга. Социалистик демократияни янада ривожлантириш, умумхалқ давлатимизни мустаҳкамлаш, давлатимиз фаолиятининг ҳамма жиҳатини такомиллаштириш йўлида ҳам ҳал қилиш лозим бўлган катта вазифалар олдимизда турибди. Шахсга сиғиниш, шунингдек субъективистик хатоларнинг оқибатлари бартараф қилинганлиги партияда ва мамлакатда яхши ва аҳил бўлиб ишлаш учун қулайлик туғдираётган маънавий-сиёсий вазиятни вужудга келтиришга имкон берди. Бу вазиятнинг ҳавоси ҳар доим равшан ва мусаффо бўлиши учун ҳаммамиз ҳам жон куйдиришимиз керак.

Мамлакат мудофаа ва иқтисодий потенциалининг аҳамияти жуда катта эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Жамиятнинг маънавий-сиёсий ҳолати, халқнинг руҳий ва аҳлоқий қиёфаси ҳам аҳамияти жиҳатидан бундан қолишмайди. Кези келганда шуни айтиш керакки, давлатимиз мудофаасининг мустаҳкамлиги ҳам, давлатимизнинг халқаро позицияси ҳам, мамлакатнинг иқтисодий имкониятлари ҳам кўп жиҳатдан мана шунга боғлиқ.

Биз, коммунистлар учун ҳар бир кишининг ғоявий, маънавий ўсиши жуда катта мустақил қимматга ҳам эга, чунки инсон шахсини атрофлича ва мукаммал ривожлантириш бизнинг энг юксак мақсадимиздир.

Коммунистик тарбиядек энг олижаноб ишга ўз кучини сарфлаётган кишиларнинг ҳаммаси коммунизм қуришнинг олдинги марраларида турибди. Бу ишда профессионал тарбиячилар деб айтиш мумкин бўлган кишиларнинг, аввало, муаллимларнинг ва идеология фронти ходимларининг роли жуда катта ва бунга ҳамма тан беради. Лекин маълумки, бизда бутун жамият — партия, касаба союзлари, комсомол, меҳнаткашларнинг ҳар бир коллективи, ҳар бир совет оиласи тарбиячидир. Партия ва мамлакатда қарор топган, одамларга ўртоқларча, сезгир диққат ва эътибор билан муносабатда бўлишни катта масъулият ва талабчанлик билан бирга қўшган иш услуби ижтимоий тарбиянинг ролини кучайтирмоқ учун жуда қулай шароит яратиб беради.

Бу шароитдан ҳар томонлама фойдаланиш, одамларнинг онгидаги ва хулқ атворидаги капитализм сарқитларига қарши курашни кучайтириш керак. Ҳар бир совет кишисини қонунларга қаттиқ риоя қилиш, социалистик мулкни мустаҳкамлаш, меҳнатга ҳалол, виждонан муносабатда бўлиш руҳида, миллий маҳдудлик ва шовинизмнинг ҳар қандай кўринишларига ёт бўлган совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялаш зарур. Биз бу тўғрида съездда кўп гапирдик, бинобарин, сўзимиз билан ишимиз бир бўлиши керак.

Съезд қарорларининг маъносини, руҳини чуқур тушуниш, мамлакатимиз хўжалик, ижтимоий ва мафкуравий ҳаётининг ҳамма соҳаларида съезднинг ролини изчиллик билан аниқ ўтказиш керак. Ҳозир ҳар бир коммунист қандай лавозимда бўлмасин ундан мана шу талаб қилинади. Бутун партиямизнинг, бутун совет халқининг иродаси, шижоати, меҳнатдаги куч-ғайрати ҳозирги кунда съезд йўлини амалга оширишга қаратилиши лозим. Партия XXIV съездининг қарорлари — рўёбга чиқарилсин! Бутун ишимиз моҳиятини, асосий мазмунини белгилаб бераётган шиор ҳозир мана шу.

Ўз-ўзидан маълумки, бу гапларнинг ҳаммаси сизларнинг партия ташкилотингиз олдида турган вазифаларга ҳам бевосита тааллуқлидир. КПССнинг жанговар отрядларидан бири бўлган салкам уч юз минг кишилик Грузия Коммунистик партияси бундан буён ҳам ўз республикасини янги чўққиларга кўтариш учун, мамлакатимизда коммунистик жамият қуришнинг муштарак ишига республика қўшаётган ҳиссани кўпайтириш учун курашда ўз республикасидаги ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг авангарди бўлиш ролини муносиб бажараверади деб, КПСС Марказий Комитети ишонч билдиради.

Ўртоқлар! Партиямиз XXIV съезди халқаро ҳаётда катта воқеа бўлди. Бунинг сабаби ҳам маълум. Съезд улуғ социалистик давлатимизнинг қудратини янада ўстириш йўлини белгилаб берди. Ленин партияси тарих тарозусининг паллаларига Совет Иттифоқини иқтисодий ва социал-сиёсий ривожлантиришнинг шундай программасини қўйдики, бу программанинг бажарилиши натижасида жаҳон майдонидаги кучлар нисбатида социализм, эркинлик ва тинчлик томонига жуда катта бурилиш рўй беради.

Съезднинг халқаро масалаларга доир қарорларини ҳамма қитъалардаги меҳнаткашлар кенг оммаси, тараққийпарвар жамоатчилик тушуниб ва қўллаб-қувватлаб кутиб олди. Буни Коммунистик, миллий демократик ва сўл социалистик партияларнинг съездимизга келган жуда кўп делегациялари ўз сўзларида яхши ифодалаб бердилар.

Партиямизга бирдамлик билдирганликлари учун, КПСС билан алоқаларни бундан буён ҳам мустаҳкамлашга, партиямиз билан бир сафда боришга интилаётирмиз, деб айтганликлари учун биз чет эллик дўстларимиздан астойдил миннатдормиз. Улар съезд қабул қилган қарорларни қўллаб-қувватлаганликлари, совет халқи коммунизмни муваффақиятли қураётганлиги инсониятнинг жуда кўпчилиги манфаатларига мос бўлиб тушаётганлигини кўрсатиб турибди. Бу бизни руҳлантирмоқда. Лекин бундан буён ҳам биз ҳозирги революцион давр талаблари даражасида туришимиз лозимлигини ҳам бизга эслатмоқда.

Съездда интернационализм ғоят зўр куч билан намойиш қилинганлигини кўрдик. Мана шунинг ўзи ҳам халқаро коммунистик ҳаракат кенгайиб бораётганлигини, яшаб мустаҳкамланаётганлигини ҳамда унинг кучи бирликда эканлигини яна бир марта таъкидлади. Шу вақтгача бўлгани каби бундан буён ҳам биз мана шу бирлик учун ҳар доим курашаверамиз.

Кўпгина миллий демократик партияларнинг вакиллари XXIV съездда ҳозир бўлганлигига катта аҳамият бермоқдамиз. Коммунистик ва революцион демократик партияларнинг, социалистик ва ёш прогрессив давлатларнинг мустаҳкам иттифоқи — жаҳон антиимпериалистик фронти бирлигининг гаровидир.

XXIV съезд ишида Европа, Латин Америкаси ва Осиёдаги сўл социалистик ҳаракат вакиллари ҳам қатнашди. Биз бу яхши ташаббусни табриклаймиз ва буни халқаро пролетар бирлиги, социализм ва тинчлик иши манфаатлари йўлидаги мустаҳкам традицияга айлантирмоқ учун қўлимиздан келган ҳамма чораларни кўрамиз.

Ўртоқлар! Халқнинг жонажон манфаатлари, совет жамиятининг коммунизм сари олға бориши, меҳнаткашлар фаровонлигини ва маданиятини ошириш бутун партия фаолиятининг марказида турган экан, табиийдирки, бу билан партиянинг мамлакат ичидаги иқтисодий, социал ва маданий сиёсатигина белгиланиб қолмасдан, унинг ташқи сиёсати ҳам белгиланади. XXIV съезд совет ташқи сиёсатининг ленинча традицияларини ривожлантириб, тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар эркинлиги ва мустақиллиги учун курашнинг кенг программасини олға сурди. Бу программа тинч-тотув яшаш принципларининг тантанаси учун кураш программасидир, халқлар дўстлиги, уларнинг эркин, мустақил ривожланиши программасидир. Бу — агрессорларни жиловлаб қўйиш ва жаҳон урушининг олдини олиш программасидир.

Бизнинг фикримиз шуки, ҳозирги замон шароитида асосий халқаро проблемаларни бартараф қилишнинг бундан кўра конструктивроқ ва реалистикроқ программасини таклиф қилиш мумкин бўлмаса керак. Тинчлик ва ҳамкорлик планларининг амалга оширилишига ҳалақит беришга уринадиган, йўлимизга тўғаноқ соладиган нуфузли доиралар империалистик лагерда бор, албатта.

Бироқ воқеаларнинг бориши, социализм ва тинчлик кучлари мустаҳкамланаётганлиги бундай уринишларни тобора натижасиз қилиб қўймоқда. Халқларнинг халқаро хавфсизликка ва ҳамкорликка кучайиб бораётган интилишига зид бўлиб тушаётган нарсаларнинг ҳаммаси самарасиздир. Барча мамлакатларнинг давлат арбоблари буни нақадар тезроқ англаб олсалар, жаҳон сиёсатининг кескин проблемаларини ҳал қилишга олиб борадиган йўл шу қадар қисқароқ бўлиб қолади. Совет Иттифоқига келганда, биз бутун дунёдаги меҳнаткашлар оммасининг катта кўпчилиги бераётган мададга суяниб, дўстларимиз ва иттифоқчиларимиз билан бирга съезд илгари сурган таклифларни изчиллик ва қатъият билан ҳимоя қилаверамиз. Бизнинг бу ишимиз совет халқининг, ер юзидаги брача халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади, бунга биз аминмиз.

Биз Вьетнам, Лаос ва Камбоджа халқлари билан жанговар интернационал бирдамлик сиёсатини бундан буён ҳам оғишмай ўтказаверамиз. Уларнинг АҚШ империализмнинг агрессиясига қарши қаҳрамонона кураши ғалаба билан якунланишига ва агрессорлар нақадар ўжарлик қилаверсалар, улар якунлашга мажбур бўладиган натижа шу қадар разил ва шармандали бўлиб чиқишига ҳамиша ишончимиз комил бўлиб келган.

Шу нарсага ҳам ишончимиз комилки, бизга дўст Бирлашган Араб Республикаси, Сурия, бошқа араб давлатлари, барча ватанпарвар ва тараққийпарвар кучларни миллий доирада ҳам, умумараблар доирасида ҳам жипслаштириб, социалистик мамлакатлар билан қардошларча ҳамкорликни мустаҳкамлаб, империализмнинг пўписаларига ва ҳийла-найрангларига қатъий зарбалар бериб, ўзларининг ҳаққоний ишлари тантана қилишига эришадилар.

Халқаро хавфсизлик ва тинчлик учун, халқларнинг мустақиллигига ва қонуний ҳуқуқларига қилинаётган агрессив ҳуружларга қарши курашиш билан бирга худди шундай мақсадларга интилаётган барча ташкилотлар ва партиялар билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз Жумладан, социал демократик партиялар билан халқаро майдонда биргаликда қилиниши мумкин бўлган ҳаракатларга ўзимизнинг ижобий муносабатимизни съездда яна бир марта таъкидладик.

Матбуотда босилаётган хабарларга қараганда, шу ойнинг охирида социал демократларнинг раҳбарлари Финляндия пойтахтида социалистик интернационал кенгашининг сессиясига тўпланишар экан. Бу раҳбарлар орасида ҳукмрон партияларнинг вакиллари оз эмас. Шу сессияда улар Европа хавфсизлиги, Яқин Шарқ, Ҳинди-Хитой масалаларини муҳокама қилишади. Бутун халқаро вазиятнинг ривожланиши мана шу кескин масалаларнинг одилона ҳал этилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Сессия қатнашчилари бу масалаларга қандай ёндошишларига қараб, улар халқаро кескинликни юмшатишга ва тинчликни мустаҳкамлашга амалда интилаётирларми ёки йўқми эканлигига баҳо бериш мумкин.

Вьетнам, Камбоджа ва Лаосда, араб мамлакатларининг босиб олинган территорияларида империалист агрессорлар қилаётган даҳшатли жиноятларни Хельсинкида қарорлар қабул қиладиган кишилар унутмасликларини ишчилар ҳаракатининг манфаатлари, бутун дунёда тинчлик манфаатлари талаб қилади. Улар ўз халқларининг иродасини, бу халқлар «совуқ уруш» оқибатларининг батамом тугатилишини ҳамда Европада ҳамкорлик ва яхши қўшничилик вазияти тезроқ вужудга келтирилишини истаётганлигини ҳам унутмасликларини Европа хавфсизлиги манфаатлари талаб қилади. Акс ҳолда сессия қатнашчилари уларнинг «интернационал»и ҳали ҳам омманинг овозига эмас, балки НАТО сиёсатини белгилаб бераётганларнинг овозига қулоқ солишни афзал кўраётганлигини таъкидлаб берадилар, холос.

Съезд илгари сурган таклифларга нисбатан Ғарбнинг билдираётган фикрлари муносабати билан бир нарсага тўхталиб ўтмоқчиман. НАТОнинг баъзи мамлакатлари Марказий Европадаги қуролли кучларни ва қурол-яроғларни қисқартириш масаласига сезиларли равишда қизиқаётганликлари, қисман эса бу масала уларни асабийлаштираётганлиги кўриниб турибди. Уларнинг вакиллари: кимларнинг қуролли кучлари — чет эл қуролли кучларими ёки миллий қуролли кучларми, қандай қурол-яроғлар, ядро қуролими ёки оддий қурол-яроғларми, қисқартирилиши керак? деб савол бермоқдалар. Яна улар, эҳтимолки, совет таклифлари мана шуларнинг ҳаммасини тўла равишда ўз ичига олармикан, деб савол бермоқдалар. Шу муносабат билан бизда ҳам бир савол бор: Мана шундай қизиқувчилар винони тотиб кўрмасдан фақат унинг тусига қараб винонинг таъми тўғрисида фикр юритмоқчи бўлган кишига ўхшаб қолмаётганмиканлар? Агар бирор кимса бу масалани тушунмаётган бўлса, марҳамат қилиб буни тушунтириб бериш мумкин. Бунинг учун ўзингизни қизиқтираётган таклифнинг «таъмини» тотиб кўришга, дипломатия тили билан айтганда, музокаралар бошлашга журъат қилиш керак, холос.

Съезд қарорларини амалга ошира бориб, биз социалистик мамлакатлар жипслигини ва дўстлигини мустаҳкамламоқ учун, тинчлик ва социал тараққиётнинг улуғ коалицияси сифатида уларнинг жаҳон майдонидаги ролини янада оширавериш учун кучимизни аямаймиз. Съезд қарорларини бажара бориб, биз миллий озодлик ҳаракати ва бутун революцион ҳаракат билан иттифоқни мустаҳкамлайверамиз. Съезд қарорларини амалга ошира бориб, биз давлатларнинг ижтимоий тузумидан қатъи назар, уларнинг тинч-тотув яшашини таъминламоқ учун қўлимиздан келган ҳамма чораларни кўраверамиз.

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Грузия Совет Социалистик Республикасининг Байроғида иккита Ленин ордени порлаб турибди. Бу грузин халқи, грузин коммунистлари қилган катта хизматларни бутун халқ эътироф қилганлигининг натижасидир. Бугун, Грузия Совет Социалистик Республикаси билан Грузия Коммунистик партиясининг 50 йиллиги байрам қилинаётган қутлуғ кунда ғоят хурсанд бўлиб сизларга шуни маълум қиламанки, Совет Грузияси яна бир орден билан — Октябрь революцияси ордени билан мукофотланди.

СССР Олий Совети Президиумининг Грузия Совет Социалистик Республикасини Октябрь революцияси ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги фармонини ўқиб эшиттиришга ижозат бергайсиз.

(Ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Олий Совети Президиумининг фармонини ўқиб эшиттиради. Республика раҳбарлари ва меҳнат илғорлари саҳнага чиқадилар. Ўртоқ Л. И. Брежнев Октябрь революцияси орденини республика байроғига қадаб қўяди).

Грузия ишчиларини, колхозчиларини, зиёлиларини, барча меҳнаткашларини республиканинг ярим асрлик йўлини бамисоли якунлайдиган юксак мукофот билан чин кўнгилдан қутлашга рухсат этгайсиз. Сизлар бу мукофот билан фахрланишингиз мумкин. Сизлар: Ҳозирги кунда барча қардош халқлар билан бирга коммунизм биносини қураётганлар ҳам, Улуғ Ватан уруши йилларида фашизм билан жанг қилиб, жон олиб-жон берган кишилар ҳам, революцион курашчиларнинг интернационал сафида туриб Грузияда Совет ҳокимиятининг ғалабаси учун жанг қилган, қадимий грузин диёрида совет тузумининг негизини қурган кишилар ҳам бу мукофотга сазовор бўлдилар.

Республикангизнинг коммунистлари, барча меҳнаткашлари янги беш йиллик топшириқларини бажаришга, Улуғ Ватанимизни иқтисодий, социал, сиёсий ва маданий ривожлантиришнинг КПСС XXIV съезди белгилаб берган катта планларини амалга оширишга ўз кучларини, ғайратларини, тажрибаларини ва билимларини сарфлайдилар, деб партия Марказий Комитети қатъий ишонч билдиради.

Яшасин Грузия Совет Социалистик Республикаси!

Яшасин Грузия Коммунистик партияси!

Яшасин қудратли Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Яшасин мамлакатимиздаги барча халқларнинг бузилмас ва қардошларча дўстлиги!

Яшасин совет халқини коммунизм ғалабаси сари бошлаб бораётган ленинчи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Буюк олим юбилейига

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети буюк ўзбек олими — энциклопедист Абу Райҳон Берунийнинг 1000 йиллик юбилейини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу юбилей 1973 йилда ўтказилади.

Ҳозир Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов раислигида улуғ олимнинг юбилейини ўтказиш республика комитети тузилди.

◆ ◆

Буюк олим — энциклопедист Абу Райҳон Беруний Хоразмда туғилган бўлиб, жаҳон маданияти хазинасини ўз асарлари билан бойитдики, бу асарлар бизнинг замонамизгача ўзининг илмий қимматини тўла-тўкис сақлаб қолди. Берунийнинг мероси фаннинг астрономия, физика, математика, минералогия, география, тарих, фалсафа сингари соҳаларини бойитишда анчагина роль ўйнади.

Берунийнинг астрономия соҳасидаги буюк хизмати шундан иборатки, у ўша вақтда ер шарининг катталигини энг аниқ белгилай олди. Беруний жаҳонда биринчи бўлиб ер шарининг модели — глобусни ясади, бир қанча янги астрономик асбобларни яратди.

Ўзбек олими биринчилар қаторида геодезияга асос солди. Ой кратерларидан бири Беруний номи билан аталди. География соҳасида ўша замон учун илғор назария ҳисобланган денгизлар назарияси Берунийга мансубдир. Олим минералогия соҳасида солиштирма оғирлигига қараб минералларни аниқлаш усулини кашф этганлиги билан шуҳрат қозонди.

Умумий эътироф этилишига қараганда «Ҳиндистон» номли тарихий-этнографик асари география, этнография ва тарих маданият монографиясининг Ўрта аср адабиётида сира тенги йўқ ўзига хос якка-ягона намунасидир.

Гениал олим фаннинг оташин курашчиси эди. У нодонликка, ҳар нарсага ишонишга ва жаҳолатга қарши курашди.

Шарқшуносларнинг 1960 йилда бўлиб ўтган XXV халқаро конгресси қарорига биноан Ўзбекистон Фанлар академияси Беруний меросини ўрганиш борасидаги координациялаш маркази деб белгиланган эди. Шунинг учун ҳам Тошкент Бутуниттифоқ ва жаҳон берунийшунослигининг муҳим марказларидан бири бўлиб қолди.

(ЎзТАГ).

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН, ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ

(Боши 1-бетда).

бўладиган жамият тўғрисида узоқ замонлардан бери орзу қилиб келдилар. Биз, коммунистлар янги ижтимоий тузумни пролетар, социалистик гуманизм деб, энг ҳақиқий, энг реал гуманизм деб ҳисоблаймиз. Бу янги тузум барча ирқ ва миллатларга мансуб меҳнаткашларни социал ва миллий зулм ҳамда тенгсизликдан халос этади, уларга чинакам инсоний эркинлик бахш этади ва инсон шахсининг ҳар тарафлама камолоти учун реал шарт-шароитлар яратиб беради.

Сўнгги йилларда бизнинг мамлакатимизда шундай маънавий-сиёсий вазият вужудга келтирилдики, бундай вазиятда кишилар енгил нафас олмоқдалар, берилиб ишламоқдалар, бемалол яшамоқдалар. Эндиликда буни ҳар бир совет кишиси сезиб, тушуниб турибди.

Грузия меҳнаткашларининг вакиллари йиғилган бугунги тантанамиз ҳам ана шу руҳ, шу кайфиятдан баҳраманддир.

Бинокорлар бизнинг ажойиб байрамимизга тайёрлаб берган бу ажойиб зал киришни хоҳловчиларнинг ҳаммасини сиғдира олмади. Лекин бутун халқимиз — ишчилар ва деҳқонлар, олимлар ва хизматчилар, социалистик қурилиш ветеранлари ва ажойиб ёшларимиз, хуллас, янги ҳаётнинг ҳамма чинакам хўжайинлари ва ижодчилари бугун фикран бу ерда биз билан биргадирлар. Совет Грузияси мана шу кишиларнинг қўли, ғайрат-шижоати, ақл-идроки ва иродаси билан қурилди ва қурилмоқда.

Буюк миллий, умумхалқ байрами — Совет Грузияси ва Грузия Коммунистик партиясининг 50 йиллиги муносабати билан Грузия Компартияси Марказий Комитети, Грузия ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан Грузиянинг қаҳрамон ишчилар синфини, шонли колхозчи деҳқонларимизни, халқ зиёлиларимизни, коммунистлар ва комсомолларни, йигит ва қизларни, бутун грузин халқини, республиканинг ҳамма меҳнаткашларини қизғин, бутун қалбдан табриклашга ҳамда ҳаммага сиҳат-саломатлик, меҳнатда янги-янги муваффақиятлар, шодu хуррамлик ва инсоний катта бахт-саодат тилашга рухсат этгайсиз.

Бугун биз кекса большевиклар, партия ветеранларини, Грузия меҳнаткашларини жипслаштириб, озодлик, социал ва миллий мустақиллик учун курашга отлантирган кишиларни айниқса қизғин табриклаймиз. Қўлига қурол олиб Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва унинг узил-кесил ғалабага эришиши учун курашганларни айниқса қизғин табриклаймиз. Улуғ Ватан урушининг қаттиқ ва оғир йилларида Улуғ Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилиш учун кўкрагини қалқон қилган, улуғ Ватанимизнинг шон-шарафи, озодлиги ва мустақиллиги учун жонини ҳам аямай курашган кишиларни айниқса қизғин кутлаймиз.

Бугун биз революция учун, Советлар ҳокимияти учун курашганлар хотирасини, партия иши учун, социализм ва коммунизмнинг тантанаси учун фашизмга қарши курашда жонини фидо қилган кишилар хотирасини эслаб, ҳурмат билан бош эгамиз.

Ўртоқ В. П. Мжаванадзе шундай кишиларнинг хотирасини бир минут сукут сақлаб ҳурмат билан эслашни таклиф қилади. Ҳамма ўрнидан туради.

Бундан 50 йил аввал, дейди у, Грузияда Советлар байроғи тикилди, шу йиллар мобайнида Совет Грузиясининг меҳнаткашлари совет халқларининг ягона қардош оиласида чамбарчас жипслашган ҳолда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг раҳбарлигида улуғ йўлбошчимиз ва устозимиз Владимир Ильич Ленин кўрсатган йўлдан шахдам қадам ташлаб бормоқдалар.

Шунинг учун шу тантанали кунда Грузия халқлари ўзларининг жўшқин меҳр-муҳаббат ва миннатдорчилик сўзларини ғоялари ва ишлари каби номи ҳам барҳаёт Ленинга қаратадилар.

Республикамизнинг экономикаси ва маданиятини ривожлантириш тўғрисида қилаётган ғамхўрликлари учун, биз ҳамиша ўзимиз сезиб турган диққат-эътиборлари учун Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, унинг ленинчи Марказий Комитетига ва Совет ҳукуматига сидқидилдан миннатдорчилик билдирамиз.

Бундан 50 йил муқаддам Грузия меҳнаткашлари революцион қўзғолон байроғини кўтариб, Совет ҳокимиятини эълон қилганларида, биз танҳо эмасдик. Ленин биз билан бирга эди! Партия биз билан бирга эди! Улуғ рус халқи ва барча қардош халқлар биз билан бирга эди!

Бугунги кунда ҳам азиз меҳмонларимиз, қадрдон дўстларимиз ва қардошларимиз яна биз билан биргадирлар.

Бугунги кунда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев биз билан бирга бўлиб, Грузиянинг барча меҳнаткашлари билан биргаликда тантаналаримизни байрам қилмоқда. Бундан бизнинг байрамимиз янада қувончлироқ бўлди ва алоҳида аҳамият касб этди, бунинг учун, Леонид Ильич, сизга ўзимизнинг самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Леонид Ильич! Азиз дўстимиз, қадрли ўртоғимиз, жанговар партия раҳбаримиз! Бизнинг байрамимизда улуғ Совет Иттифоқимизнинг ҳамма чеккаларидан келган бу қадар мўътабар делегациялар ҳозир бўлганликлари учун ҳам Сизга ташаккуримизни изҳор этамиз. Бугунги учрашувимиз бизнинг партиямизда, мамлакатимизда партиямиз Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси ва шахсан Леонид Ильич, Сиз ўтказган жуда катта иш туфайли, дарҳақиқат, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма бўғинларида, меҳнатда ва маиший турмушда инсонга ҳурмат ва меҳр-муҳаббат билан қарашни, софдилликни, ўзига ва ўзгаларга талабчанликни, зўр масъулият билан қўшилиб кетган ишонч-эътиборни, хуллас, чинакам ўртоқларча муносабатларни қарор топтиришга дарҳақиқат ёрдам берувчи маънавий вазиятнинг яққол ифодаси бўлганлигини ҳар биримиз сезиб турибмиз.

КПССнинг XXIV съездида Леонид Ильич Брежнев: «Биз бундан буён ҳам айни шу йўлдан борамиз», деган эди.

Шундай тантанавор ва қувончли кунда қуйидаги қардош Совет Социалистик республикалари меҳнаткашларининг бизга меҳмон бўлиб келган делегацияларини чин юракдан қизғин табриклашга рухсат этгайсиз:

РСФСР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ А. М. Школьников бошчилигидаги Россия Федерацияси делегациясини.

Ватанимизнинг пойтахти — қаҳрамон шаҳар Москванинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ В. В. Гришин бошчилигидаги делегациясини.

Улуғ Октябрнинг бешиги — қаҳрамон шаҳар Ленинграднинг КПСС Ленинград область комитети биринчи секретари ўртоқ Г. В. Романов бошчилигидаги делегациясини.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ П. Е. Шелест бошчилигидаги Украина делегациясини.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ П. М. Машеров бошчилигидаги Белоруссия делегациясини.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Г. А. Алиев бошчилигидаги Озарбайжон делегациясини.

Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. Е Кочинян бошчилигидаги Арманистон делегациясини.

Қудратли Ватанимиз шонли Қуролли Кучларининг СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали ўртоқ А. А. Гречко бошчилигидаги делегациясини.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги Ўзбекистон делегациясини.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Д. А. Кунаев бошчилигидаги Қозоғистон делегациясини.

Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. Ю. Снечкус бошчилигидаги Литва делегациясини.

Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. И. Бодюл бошчилигидаги Молдавия делегациясини.

Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. Э. Восс бошчилигидаги Латвия делегациясини.

Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Т. У. Усубалиев бошчилигидаги Қирғизистон делегациясини.

Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ М. Х. Холов бошчилигидаги Тожикистон делегациясини.

Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. Г Ғапуров бошчилигидаги Туркманистон делегациясини.

Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Г. Кэбин бошчилигидаги Эстония делегациясини.

Биз ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Е. М. Тяжельниковни ва у орқали ҳамма шонли совет ёшларимизни самимий табриклаймиз.

Биз ўз байрамимизда қадимдан яхши қўшниларимиз, автоном республикаларнинг вакиллари — Доғистон область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. — С. И. Умахановни, Кабарда-Балкар область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Т. К. Мальбаховни, Шимолий Осетия область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Б. Е. Каболоевни, Чечен-Ингуш область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ С. С. Апряткинни кўриб, кўп хурсанд бўлдик.

Шундай қилиб, бизнинг тантаналаримизга Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи қардош халқлари бутун кўп миллатли оиласининг вакиллари йиғилишди.

Тантанали мажлис очиқ деб эълон қилинади.

Совет Иттифоқи ва Грузия ССР гимнларининг садолари янграйди.

Йиғилиш аҳли КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросидан иборат составда фахрий президиумни баланд руҳ билан сайлайди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. П. Мжаванадзе «Грузия Совет Социалистик Республикаси ва Грузия Коммунистик партиясининг 50 йиллиги» мавзуида доклад қилди.

Йиллар ўтар, кўп йиллар ўтар, дейди ўртоқ В. П. Мжаванадзе, невара-чевараларимиз Совет ҳокимиятининг 100 йиллигини ва 200 йиллигини нишонлаётиб шу ҳокимият учун курашганларни, қўлига қурол олиб революция баррикадаларига борганларни, халқ бахт-саодати учун жонини фидо қилганларни ҳар сафар эсга олади. Ер юзидаги янги ҳаётнинг дастлабки ярим асрини катта қийинчиликлар ва курашлар билан ҳимоя қилган сиз билан бизни ҳам ёдга олишар.

Бизнинг омадимиз келиб, бизга буюк сиёсий социал ва иқтисодий замондошлари ва зафарларнинг қатнашчилари бўлиш, коммунизмнинг пойдеворини қўйиш бахти насиб бўлди.

Шунинг учун ҳам совет халқи бундан уч ярим йил аввал Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини шундай зўр шавқ-завқ, илҳом билан нишонлади.

Ўшандан бери 50 рақами Октябрдан кейин вужудга келган, Октябрь бунёдга келтирган воқеаларни белгилайдиган бўлиб қолди. Мамлакат ҳаётидаги ҳамма нарсанинг ибтидоси Улуғ Октябрь бўлганлигини мана шу сана баайни яна бир марта тасдиқлаб турибди.

Ярим асрнинг йилномаси давом этмоқда. Бугун унга Грузияда Совет ҳокимияти ўрнатилганлиги ва Грузия Коммунистик партияси ташкил топганлигининг 50 йиллиги ёзиб қўйилди.

Революция, Совет ҳокимияти грузин халқи қаҳрамонона тарихининг янги, энг ёрқин, энг катта бобини очди.

Бугун биз йиғилган шаҳардаги, Сакартвелонинг пойтахти Тбилисидаги қадимги Нари қалъа тепасида «Картлис — деда» — «Она Грузия» деган рамзий ҳайкал қад кўтариб турибди. Она пастга туширилган бир қўлида душманга даҳшат солувчи қилич тутган бўлса, коса тутган иккинчи қўли дўстларга узатилгандир.

Урушлар ва босқинлардан тинка-мадори қуриган, ички адоватлардан заифлашган Грузия ўтган асрнинг бошларида мадад ва ёрдам сўраб қудратли рус давлатига мурожаат қилиб, Россияга дўстлик қўлини узатгандан кейингина қиличини тушириб, тинч меҳнат ва ижодкорликка қайта олди, чет эл босқинчиларининг ҳужумларидан ўзини тўса олди, ўз мустақиллигини сақлаб қола билди.

Чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатига қарамай, Грузиянинг ихтиёрий равишда Россияга қўшилишининг жуда катта прогрессив аҳамияти бор эди. Бу иттифоқ Грузиянинг тараққий топишига ёрдам берди, грузин халқининг рус халқи билан ва Россиядаги бошқа халқлар билан иноқлашишга, Грузиянинг Россия озодлик ҳаракатига қўшилишига кўмак берди.

Мана шу иттифоқ тузилганидан бери 120 йил ўтди, 1921 йилнинг февралида Грузияда революцион исён бошланиб, грузин халқи меньшевиклар ҳукмронлигига қарши, Совет ҳокимияти учун курашга отланганида, Грузия революцион комитети исёнчилар номидан ёрдам сўраб Совет Россиясига, Владимир Ильич Ленинга мурожаат қилди. Ўшанда В. И. Лениннинг кўрсатмасига биноан, Грузиянинг исён кўтарган ишчилари ва деҳқонларига шавкатли XI қизил армия юборилди.

Грузия, бутун Закавказье ишчилар синфи ва деҳқонлари революцион ҳаракатининг бутун тарихи, грузин халқининг ўз социал ва миллий озодлиги учун, Совет ҳокимиятининг ғалабаси ва социализм қуриш учун олиб борган қаҳрамонона курашининг тарихи Ленин номи билан боғланган.

Бугун республикада Совет ҳокимияти ўрнатилганлигининг 50 йиллигини байрам қилаётиб, деб давом этди докладчи, Грузия Коммунистик партияси ташкил топганлигининг 50 йиллигини ҳам айни маҳалда нишонлаймиз. Грузия Компартияси Грузияда Совет ҳокимияти ўрнатилганидан тахминан бир йил аввал тузилган бўлсада, бу икки воқеани бир-биридан ажратиб бўлмаслиги туфайли байрамни қўшалоқ қилиб ўтказяпмиз.

Улуғ Ленин партиясининг энг кекса, жанговар отрядларидан бири бўлмиш Грузия Коммунистик партияси дастлабки марксистик тўгараклардан бугунги кунда республиканинг 300 минг кишилик коммунистлар армиясигача бўлган шонли йўлни босиб ўтди.

Грузия меҳнаткашлари Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонганидан сўнг чет эл босқинчилари суянган меньшевистик ҳукуматга қарши, Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун большевистик ташкилотларнинг раҳбарлиги остида уч йил мобайнида фидокорона кураш олиб бордилар.

1921 йилнинг февралида Грузия Компартиясининг Марказий Комитети қуролли қўзғолон кўтариш тўғрисида қарор қабул қилди. Революцион комитет бошчилигидаги қўзғолон кўтарган ишчилар ҳамда В. И. Лениннинг кўрсатмасига биноан уларга ёрдамга келган XI Қизил Армия қисмлари 25 февралда Грузиянинг пойтахтини озод қилдилар.

Совет ҳокимияти бутун Грузия бўйлаб тез ёйилди.

Грузияда социалистик революция тамоман ғалабага эришди ва бу ғалаба билан бутун Закавказье озод этилиб бўлди.

Қудратли куч-ғайрат ва ташаббус билан тўлиб-тошган музаффар халқ Коммунистик партия раҳбарлиги остида янги турмуш қура бошлади.

Владимир Ильич Ленин Совет Грузиясининг дастлабки қадамларини эътибор ва меҳр билан йўллаб борди. Республиканинг ўзига хос социал-иқтисодий ва сиёсий аҳволини яхши билган Ленин Грузия коммунистларини Россиядаги революция тажрибасини маҳаллий шароитларга мослаштиришга, маҳаллий хусусиятларни назарда тутиб, шу хусусиятлар тактикасини ишлаб чиқишга даъват этди.

Грузияда Совет ҳокимияти ғалаба қозонганидан бир ярим ой ўтгач Ленин Кавказ коммунистларига мурожаат қилиб, хат ёзган эди. Яқинда шу машҳур хатга 50 йил тўлди. Хатда ёзилган доно маслаҳат ва кўрсатмаларга Грузия Компартияси доимо амал қилиб келди ва ҳозирда ҳам ўзининг амалий фаолиятида ундан қўлланма сифатида фойдаланмоқда. Биз КПССнинг XXIV съездида республика коммунистларининг номидан шу ҳақда гапирдик. Ўшанда биз В. И. Ленин белгилаб берган социалистик қурилиш, ўлка ишлаб чиқариш кучларини тез юксалтириш илмий асосланган программасининг кўп жиҳатлари бажарилди ва муваффақиятли бажарилмоқда дедик.

Совет Грузияси ярим аср мобайнида босиб ўтган йўл оддий йилномага сиғмайди. Ўтмишда Грузия Россия империясининг заиф тараққий қилган, асосан кустарь саноат ва оддий қишлоқ хўжалигига эга бўлган иқтисодий жиҳатдан қолоқ чекка ўлкаси эди. Ҳозирги Совет Грузияси индустрияси юксак даражада тараққий топган, кўп соҳали, юксак даражада механизациялашган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан ва шаклан миллий, мазмунан социалистик илғор маданиятга эга бўлган республикадир.

Совет Грузиясининг меҳнаткашлари ярим асрлик йўлни якунлар эканлар, бугун зўр мамнуният ва қонуний фахрланиш ҳис-туйғулари билан бундай деб айта оладилар:— ленинча индустрлаштириш планини, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва маданий революцияни амалга ошириш натижасида, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг раҳбарлиги остида мамлакатимиздаги барча халқлар билан қардошларча ҳамдўст бўлиб янги жамият кураётган халқимизнинг сабот-матонат билан қилган фидокорона меҳнати туфайли Совет ҳокимияти йиллари мобайнида республиканинг ҳаётида мисли кўрилмаган туб ўзгаришлар юз берди.

Лекин мамлакатимизда янги кишининг янги ахлоқий негизли, социалистик Ватанимизга, Коммунистик партияга чексиз садоқатли ва коммунистик тузум кишисининг бунёдга келиши ва шаклланиши мамлакатимизда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг энг асосий, энг катта ғалабаси, Совет ҳокимиятининг энг катта ғалабасидир.

Янги ҳаёт қурувчи айни шу кишилар Совет ҳокимияти йиллари мобайнида Грузияда энг янги техника билан қуролланган катта социалистик саноатни вужудга келтирди.

Саноатнинг қора ва рангли металлургия, электротехника, кўмир, химия, тўқимачилик, озиқ-овқат каби янги соҳалари пайдо бўлди.

Республикада янги беш йиллик хайрли бошланди. Саноат маҳсулот реализация қилиш тўрт ойлик планини барвақт, 27 апрелда бажарди.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида, дейди сўнгра нотиқ, Лениннинг кооператив плани асосида Грузия қишлоғида ҳам чуқур социал ўзгаришлар рўй берди. Йирик социалистик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши вужудга келтирилди. У ёғоч омочдан чой барги терадиган «Сакартвело» машинасигача бўлган катта йўлни босиб ўтди. Шу йиллар мобайнида бизда қишлоқ хўжалигининг чойчилик, цитрус мевачилик, қимматли техника экинлари етиштириш каби мутлақо янги соҳалари кенг ривож топди.

Қишлоқ меҳнаткашлари катта муваффақиятларга эришдилар. Бу йилги мўл ҳосилга яхши замин яратилди. Бу замин тўққизинчи беш йиллик биринчи йилининг топшириқлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма турлари бўйича муваффақиятли бажарилишига мустаҳкам гаров бўла олади.

Ўртоқ В. П. Мжаванадзе умуман ўзининг юксак маданияти билан шуҳрат қозонган грузин халқи революция олдида асосан қарийб саводсиз эди, дейди.

Ҳозир Совет Грузияси ёппасига саводхонгина бўлиб қолмай, аҳолисининг билим даражаси жаҳонда энг юксак республикалардан бири ҳисобланади.

Халқлар дўстлигининг кучи буюкдир! Бу куч, деб таъкидлади докладчи, совет кишиларини бирбирлари билан яқинлаштиради, қон-қардош қилади, уларни коммунизм қуриш учун курашда бирлаштиради. Ватан шон-шуҳрати учун янги-янги ажойиб ишларга отлантиради.

Совет Грузиясининг бугунги муваффақиятлари ленинча миллий сиёсат, халқлар тенг ҳуқуқлилиги ва дўстлиги сиёсати амалга оширилиши, Совет Иттифоқи халқлари доимо бир-бирларига бериб келаётган ўзаро ёрдамнинг натижасидир.

В. И. Лениннинг башорат қилиб айтган сўзлари рўёбга чиқди, Лениннинг Кавказ коммунистларига берган биринчи наказни бажарилди — буржуазия вақтида кўрилмаган ва буржуазия тузумида мумкин бўлмаган миллий дунё намунаси бизда яратилди!

Бизнинг бугунги тантаналаримиз, дейди нотиқ, йил сайин тобора гуллаб-яшнаб бораётган қадимги грузин диёридаги шонли байрамимиз Грузия Совет Социалистик Республикаси ҳақида, унинг коммунистик қурилишда эришган муваффақиятлари тўғрисидаги ҳақиқатни дунёга яна бир марта баралла эшиттирсин. Бу муваффақиятлар бутун улуғ мамлакатимизнинг, ҳозирги вақтда КПСС XXIV съездининг қарорларини бажариш белгиси остида яшаётган ва меҳнат қилаётган бутун совет халқи эришган муваффақиятларининг бир улушидир.

Бутун партиямиз, бутун совет халқи каби Грузия коммунистлари ҳам КПСС XXIV съездининг якунларини муҳокама қилиб, бу қарорларни якдиллик билан маъқулладилар ҳамда уларни ўзларига дастур қилиб олдилар, қўйилган вазифаларни бажариш юзасидан конкрет чоралар ишлаб чиқдилар.

Грузия партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг Ҳисобот докладини, съезднинг қарорлари ва ҳужжатларини ўзининг бутун ташкилий ва сиёсий фаолиятига асос қилиб олди.

Ҳозир бутун мамлакатдаги сингари бизнинг республикамизда ҳам, дейди пировардида ўртоқ В. П. Мжаванадзе, меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик ғоятда жўш уриб кетди. Буни ҳаммамиз Биринчи май байрами кунларида янги куч билан сездик. Ватанимизнинг пойтахти Москвада, шунингдек, мамлакатимизнинг ҳамма чеккаларида, барча иттифоқдош республикаларда, шу жумладан, бизнинг Грузияда бу байрам алоҳида тантана билан, алоҳида руҳланиш билан ўтди. Халқнинг кайфияти яхши, баланд, хушвақт эканлиги ҳамма нарсада кўриниб турди. Совет кишилари Коммунистик партия теварагига, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига жипслашганликларини яна бир марта намойиш қилдилар КПСС XXIV съездининг юксак ижодий руҳи совет халқининг яратувчилик меҳнатига йўлдош бўлмоқда, бу руҳ кишиларнинг кайфиятини батамом эгаллаб олди.

Азиз Леонид Ильич, буларнинг ҳаммаси бугунги кунда партиямизда бирлик ва жипслик ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкамроқ, биз тўғри йўлдан боряпмиз, деб сиз айтган сўзларни яна бир бор тасдиқлайди! Бутун совет халқи, бутун мамлакатимиз, барча қудратли Совет Социалистик Республикалар иттифоқимиз партия кетидан, унинг Марказий Комитети кетидан мана шу бирдан-бир тўғри, аниқ-равшан ленинча йўлдан бормоқдалар. Биз бугун шонли 50 йиллигини нишонлаётган Совет Грузияси мана шу чамбарчас, бузилмас иттифоқдадир!

Грузин халқи, Грузиянинг барча меҳнаткашлари шонли 50 йиллик ижодий куч-ғайратлари тўлиб-тошган, республикамиз бутун мамлакат билан бирга бораётган йўлдаги ҳар бир янги йил унга янада равнақ топган экономика ва маданият, коммунистик қурилишда янги муваффақиятлар, янги ғалабалар келтиришига қаттиқ ишонгани ҳолда етиб келди.

Совет Грузиясининг меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлиги остида совет халқларининг қардошларча оиласида ана шу янги, шонли ғалабаларга эришадилар!

Ўртоқ В. П. Мжаванадзенинг доклади зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари ўртоқ Л. И. Брежневга сўз берилади. Залда гулдурос қарсаклар кўтарилади. Тантанали мажлис қатнашчилари ўртоқ Л. И. Брежневни ўринларидан туриб, узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқи зўр эътибор билан тингланди ва қизғин қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди. Тантанали мажлис қатнашчилари нутқнинг охирги сўзларини ўринларидан туриб эшитдилар. Залда олқишлар янграйди. «Ура!» деган хитоб садолари эшитилади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг республикага табрикномасини президиумга топширади.

Ўртоқ В. П. Мжаванадзе жавоб нутқи сўзлайди.

Бугунги кун ҳар биримизнинг ёдимизда умрбод қолади, дейди у. Бу кун Грузия меҳнаткашларининг хотираларида ва қалбларида ҳам абадий қолади.

Леонид Ильич, Сиз КПСС XXIV съездидан кейин бир оз вақт ўтгач бугун Грузия Совет Социалистик Республикаси 50 йиллиги муносабати билан унга Октябрь Революцияси орденини топширдингиз. Бундан беш йил аввал 1966 йилда ҳам партиянинг XXIII съездидан кейин бир оз вақт ўтгач шу ерда, Тбилисида республикага Ленин орденини тантана билан топширган эдингиз. Сиз ўшанда ҳам ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлиларимизга, республиканинг ҳамма меҳнаткашларига коммунизм қурилиши муштарак ишига муносиб ҳисса қўшаётганларга жуда юқори баҳо берган эдингиз.

Бундан буён Совет Грузиясининг байроғидаги қўш Ленин ордени ёнида Ватаннинг учинчи фахрий мукофоти порлаб туради. Шулардан иккитасини сиз, азиз Леонид Ильич ўз қўлингиз билан топширдингиз. Бу биз учун жуда катта, ғоят шонли воқеадир.

Республика байроғидаги Октябрь революцияси ордени коммунистик қурилишда Грузия меҳнаткашлари эришган муваффақиятларга юксак даражада баҳо берилганлигининг ифодасидир. Биз бу мукофотни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, Совет ҳукумати грузин халқи, Совет Грузияси меҳнаткашлари тўғрисида қилаётган ғамхўрлик ва эътиборнинг янги, яққол ифодаси деб қабул қиламиз.

Табрикномада ифодаланган самимий қутловлар ва яхши истаклар учун бутун халқимиз номидан, Грузиянинг барча меҳнаткашлари номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советига самимий, қизғин миннатдорчилик изҳор қиламиз.

Ўртоқ В. П. Мжаванадзе ўртоқ Л. И. Брежневга мурожаат қилиб бундай деди:

Азиз Леонид Ильич, сизга бутун халқимиз номидан, Грузиянинг барча меҳнаткашлари номидан самимий миннатдорчилик билдирамиз. Республика меҳнаткашларининг революцион ҳаракатдаги Улуғ Октябрнинг ғалабаси учун курашдаги, жаҳонда биринчи социалистик кўп миллатли давлат — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини мустаҳкамлашдаги хизматларини сиз бугун юксак баҳоладингиз. Халқимизнинг улуғ Ватан урушидаги қаҳрамонлигини ҳамда унинг коммунистик қурилишга қўшган ҳиссасини айтиб ўтдингиз, шунингдек, Грузия Коммунистик партиясининг фаолиятини юксак баҳоладингиз.

Леонид Ильич, шулар учун сизга катта раҳмат! Грузин халқи юртдошимиз тўғрисидаги хотираларингиз учун ҳам, Константин Леселидзега Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилганлигини бизга маълум қилганлигингиз учун ҳам сизга чин қалбидан ташаккур айтади.

Сиз сўзлаган ёрқин, чуқур, мазмунли нутқни биз ҳаммамиз зўр эътибор билан тингладик. Бу нутқда партиямизнинг келгуси даврдаги сиёсий йўли, сиёсий программаси яна бир бор равшан ва аниқ қилиб айтилди.

Грузия Коммунистик партияси, республиканинг барча меҳнаткашлари шуни жуда яхши биладиларки, сиз сўзлаган бугунги нутқ, КПСС Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Советининг Президиуми ва Министрлар Советининг табрикномаси, Грузия Совет Социалистик Республикасининг Октябрь революцияси ордени билан мукофотланиши Совет Грузияси ишчилари, колхозчилари, зиёлиларининг зиммасига жуда кўп вазифалар юклайди, бутун халқимизни коммунизм учун янги-янги зафарларга чорлайди.

Октябрь революцияси орденини қабул қилиб олган Грузия коммунистлари, барча меҳнаткашлари, деди пировардида Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини ишонтириб айтадиларки, халқимиз КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун, мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш учун курашга ҳамма куч-қувватларини сарфлайдилар.

Республикамизнинг коммунистлари, ҳамма меҳнаткашлари уч орденли Совет Грузиясининг байроғини доимо баланд кўтариб борадилар! Бу байроқ коммунизм сари улуғ юришда халқимизга раҳнамо бўлсин! Халқимиз бу юришда Коммунистик партия раҳбарлиги остида улуғ Ватанимизнинг барча халқлари билан бирга Ленин белгилаб берган йўлдан бир сафда туриб бормоқда!

Юбилей тантаналарида иштирок этаётган делегацияларнинг раҳбарлари қардош грузин халқига табрик сўзлари билан мурожаат қилдилар:

Россия Федерациясидан — РСФСР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари А. М. Школьников; қаҳрамон шаҳар Москвадан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин; Украинадан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. Е. Шелест; қаҳрамон шаҳар Ленинграддан — КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Г. В. Романов; Белоруссиядан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров; Ўзбекистондан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов; Қозоғистондан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев; Озарбайжондан — Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. А. Алиев; Литвадан — Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Ю. Снечкус; Молдавиядан — Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. И. Бодюл; Латвиядан — Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Э. Восс; Қирғизистондан — Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиев; Арманистондан — Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Е. Кочинян; Тожикистондан — Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси М. Х. Холов; Туркманистондан — Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ғ. Ғапуров; Эстониядан — Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Г. Кэбин.

Делегацияларнинг раҳбарлари Грузия ССР меҳнаткашларини шонли сана — республиканинг 50 йиллиги ва Грузия Коммунистик партиясининг ярим асрлик юбилейи билан қизғин табрикладилар. Нотиқлар кўп миллатли ягона оилани ташкил этган мамлакатимиз халқлари номидан республика меҳнаткашларига янги беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришда, КПСС XXIV съезди кўрсатиб берган йўлда ғалабаларга эришишни тиладилар.

Ёшларнинг табриги ёрқин, жуда ҳаяжонли бўлди. Йигит-қизлар миллий куйлар ва грузинларнинг машҳур қўшиқларига ҳамоҳанг бўлиб, бахтли, ёрқин ҳаёт ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Грузиянинг ёш авлоди партия билан халққа ғамхўрликлари учун самимий миннатдорчилик билдирди.

Тантанали йиғилиш қатнашчиларини табриклаш учун ёш ишчилар, студентлар, ёш ленинчилар, спортчилар — чемпионлар ва рекордчилар, физкультурачилар залнинг кенг йўлкалари бўйлаб кириб келишганида гулдурос қарсаклар тўхтовсиз давом этиб турди. Миллий либослар кийиб олган йигит-қизлар грузин диёрининг туҳфасини саватларда олиб келдилар.

Қўшин турларининг вакиллари — офицер ва солдатлар марш садоси остида шаҳдам қадам ташлаб келадилар.

Қизлар ва ёш болалар — октябрятлар гулдурос қарсаклар остида фахрий меҳмонларга ва республика раҳбарларига гуллар тақдим этишди.

Болалар қўшма хорининг партия ҳақида ижро этган қўшиғи ёш авлоднинг Ленин васиятларига садоқати тўғрисидаги қасамёддек янгради.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари гулдурос қарсаклар остида КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига табрик мактубини бир овоздан қабул қилдилар.

Грузия ССР Министрлар Советининг Раиси Г. Д. Жавахишвили қардош халқларнинг вакилларига уларнинг Совет Грузияси меҳнаткашлари номига айтган илиқ сўзлари, яхши истаклари учун миннатдорчилик билдирди.

Грузия Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Грузия ССР Олий Советининг тантанали мажлиси ёпиқ деб эълон қилинади.

Йиғилиш қатнашчилари ўринларидан туриб партия гимни «Интернационал»ни баланд руҳ билан айтадилар.

Тбилисидаги тантаналар совет халқларининг дўстлиги ва қардошлигининг ёрқин намойишига, уларнинг Коммунистик партия ва Совет ҳукумати теварагида бузилмас бирлиги ва монолит жипслигининг, улуғ Ленин ишига чексиз садоқатининг, Коммунистик қурилишда янгидан-янги ғалабаларга эришишга аҳду паймон қилганлигининг ёрқин намойишига айланиб кетди.

Н. КОЛЕСОВ, Б. ЛУКЬЯНОВ,

(ТАСС махсус мухбирлари).
Тбилиси, 14 май.

ЛУНОХОД ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

ОЛИС КОСМИК АЛОҚА МАРКАЗИ, 13 май. (ТАСС). Луноход билан 11, 12 ва 13 май кунлари ўтказилган алоқа сеансларида олтинчи Ой туни тугаши биланоқ кратерлар орасидаги зонада бошланган тадқиқот ишлари давом эттирилди.

Ўзи юрадиган аппарат учта йондош катта кратер деворлари туташган жойга чиқарилди. Бундан аввалги Ой кунларида шу жой муфассал ўрганиб чиқилган эди. Деворлар туташган жой тепалик шаклида бўлиб, Ой юзасидан луноход ишлайдиган районда 10-15 метр кўтарилиб туради. «Луноход-1» автомат аппарати шу тепаликнинг ясси юзига бемалол кўтарилиб олди. Тепалик чўққисидан туриб кратерлар ва итқитилган зоналар стереоскопик суратга олинди. Ўзи юрар аппаратнинг ҳаракат трассасида Ой замини химиявий анализ қилинди.

Телеметрик информация маълумотларига кўра луноходнинг борт системалари ва илмий аппаратлари нормал ишлаб турибди.

Ой юзасида автомат лабораториянинг иши давом этмоқда.

КИНЕМАТОГРАФЧИЛАРНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИ

13 май кечқурун кинематографчилар II съездининг якунловчи мажлиси бўлди. Делегатлар ва меҳмонларнинг руҳи жуда баланд — ижодий союзга Ленин ордени топширилади. СССР Кинематографчилар союзи совет кино санъатини ривожлантириш соҳасида қилган хизматлари ва совет кинематографчилари коммунистик қурилишга қўшган ҳиссаси учун Ватанимизнинг ана шу олий мукофотини олишга сазовор бўлди.

А. П. Кириленко, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорний, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев ўртоқлар президиумга чиқадилар. Съезд уларни қарсаклар билан кутиб олади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний нутқ сўзлади.

Ўртоқ Н. В. ПОДГОРНИЙ нутқи

Азиз ўртоқлар! Мен бу ерда съездда СССР Кинематографчилар союзига Ватанимизнинг олий мукофотини — Ленин орденини топширишдек қувончли вазифани бажаришдан ғоят хурсандман. СССР Олий Совети Президиумининг 1971 йил 10 майда чиқарган Фармонини ўқиб беришимга рухсат этгайсиз:

«Совет кино санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва совет кинематографчиларининг коммунистик қурилишга қўшган ҳиссасини тақдирлаб. **СССР Кинематографчилар союзи Ленин** ордени билан мукофотлансин».

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан СССР Кинематографчилари союзи иккинчи съездининг делегатларини, совет киносининг ҳамма арбобларини муносиб юксак мукофот билан сидқидилдан табриклайман. Партия ва бутун халққа шу қадар керакли ижодий ишингизда сизга янги-янги муваффақиятлар тилайман!

Сизнинг съездингиз совет кишилари ва бутун дунё Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездининг таассуротлари билан яшаётган шонли кунларда ўтмоқда. Съезд қарорлари, партия белгилаб берган планлар умуман совет жамиятининг ва алоҳида-алоҳида ҳар бир кишининг энг муҳим, энг зарур манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик билан суғорилган, бу қарорлар халқимизнинг тинч яратувчилик меҳнати учун шароитлар яратиб беришга ҳамда жаҳонда социализм позицияларини мустаҳкамлашга қаратилган.

КПСС XXIV съезди бизни коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларига оид жанговар ҳаракат программаси билан куроллантирди. Бу программани амалга ошириш учун кураш бугунги кунда мамлакат ҳаётининг асосий мазмуни бўлиб қолди. Меҳнаткашларнинг тўққизинчи беш йиллик топшириқларини барвақт бажариш учун тобора кенгайиб бораётган социалистик мусобақаси бунинг ёрқин далилидир.

Иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советларига ҳамда меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига сайлов куни яқинлашиб келмоқда. Совет кишилари ўзларининг энг яхши вакилларини давлат ҳокимияти органларига кўрсатиб, социалистик демократиянинг кучи ва афзалликларини, ишчилар синфининг, бутун совет халқининг синалган ва тобланган авангарди бизнинг ленинчи партиямиз теварагига жипслашганлигини яна бир бор намойиш қилмоқдалар.

Совет ижодий зиёлилари, бу зиёлиларнинг шонли отрядларидан бири — кинематографчилар умумий манфаатлар — партия билан халқнинг манфаатларини кўзлаб яшамоқда.

Кино санъати — коммунистик тарбиянинг энг муҳим ва таъсирчан воситаларидан бири, унинг совет жамияти маънавий ҳаётидаги тобора ўсиб бораётган роли ва ўрни КПСС XXIV съездининг юксак баҳосига сазовор бўлди. Ижодий союзингизнинг мукофотланганлиги совет кино ходимларининг халқимиз олдидаги катта хизматлари эътироф этилганлигини билдиради. Бу мукофот кинематографчиларнинг ҳамма авлодларига: совет киносининг бешигини тебратган ва кинонинг революциянинг буюк санъати бўлиб қолишига кўмак берганларга ҳам, бугунги кунда ўзининг ижодиёти билан коммунизм идеалларини қарор топтираётганларга ҳам берилган мукофотдир!

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ агитация пароходлари ва поездлари партиянинг ғоялари билан суғорилган жанговар, ҳаққоний киноленталарни мамлакатимизнинг ҳамма чеккаларигача етказиб борди. Орадан бир неча йил ўтгач, революция тўғрисида классик совет фильмлари яратилди ва улар социалистик маданиятнинг фахр-ифтихори бўлиб қолди. Урушдан аввалги беш йилликлар даврини меҳнат ва жасоратга даъват этувчи, янги ҳаёт қурилишининг пафоси билан суғорилган, Октябрь бунёдга келтирган кишини ҳар томонлама кўрсатиб берган кинофильмларсиз тасаввур этиб бўлармикин!

Фашизмга қарши қақшатқич уруш суронлари кўтарилганида миллион-миллион кишилар Ватан ҳимоясига кўкракларини қалқон қилдилар. Бемалол айтиш мумкинки, шундай ҳимоячиларни ватанпарвар кишилар қилиб тарбиялашга совет киносининг арбоблари ҳам катта ҳисса қўшдилар. Совет киносининг шонли анъаналари тинч қурилиш йилларида ҳам самарали ривожланиб борди. Муҳими шуки, барча иттифоқдош республикаларда ҳам шундай самарали ривожланиш бўлди. Ғояларимизнинг кучи ва ҳаётимизнинг ҳаққонийлиги билан кишини мафтун этувчи энг яхши фильмларимиз миллион-миллион томошабинларни санъатдан баҳраманд қилди ва ҳозирда ҳам шундай вазифани бажо келтирмоқда, социалистик жамият маънавий бойлигининг ажралмас қисми бўлиб бормоқда.

В. И. Ленин ва Коммунистик партиянинг ўлмас иши тўғрисида, совет халқининг улуғ тарихий йўли ҳақида, ҳаётимизнинг қаҳрамонлари — ватанпарварлар, жангчилар ва меҳнаткашлар тўғрисида ёрқин ва илҳом билан ҳикоя қилувчи сўнгги йиллардаги бадиий кинокартиналар кўпчиликка манзур бўлди. Кино ҳужжатчилар давримизнинг экран йилномасига янги боблар қўшдилар. Телевидение учун бир қанча яхши фильмлар яратилди, илмий оммабоп, ўқув киноси, мультипликация янада ривож топди.

Ўртоқлар! XXIV съезднинг санъаткор зиёлилар олдига қўйган вазифалари ғоятда муҳим ва фахрлидир. Съезд барча санъат арбобларини коммунистик идеалларни қарор топтирувчи ва замонамизни ҳаққоний равишда акс эттирувчи янги ажойиб асарлар яратишга даъват этди. Шу вазифаларни бажаришда кинематографчиларнинг роли ва масъулият даражаси улар ижодиётининг жуда катта таъсир кўлами билан янада кўпайиб кетади. Бизнинг кинонинг мамлакат ичкарисида кўп миллионли аудиторияси бор, чет элларда эса, совет кинофильмлари социалистик реализм санъатининг ўзига хос вакиллари вазифасини бажо келтиради.

Кези келганидан фойдаланиб сизнинг эътиборингизни, менимча, кинематографимиз лоқайд қараб ўтиб кетолмайдиган баъзи муҳим мавзуларга жалб этишни истардим. Совет жамияти бузилмас ғоявий-сиёсий бирлиги, СССР халқларининг қардошларча дўстлиги ва бир-бирларига ёрдами, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, меҳнаткаш зиёлиларнинг бугунги ҳаёти каби мавзулар ёрқин ва истеъдод билан тасвир этишни кутяпти. Кундалик воқеликда ҳозирги босқич учун характерли тарихий ривожланишни очиб бериш, партия билан халқ ишига ғов бўлган ҳамма нарсага қарши ҳужумимизнинг тантанаси учун санъат воситалари билан кураш олиб бориш йўлида совет киноси ходимларини чинакам ижодий муваффақиятлар ва барча халқнинг таҳсинлари кутмоқда.

Ўртоқлар, кино жаҳонда содир бўлаётган кескин идеологик кураш участкаларидан бири эканлигини бирон дақиқа ҳам унутолмаймиз. Шунинг учун ҳам совет кинематографчилари буржуача қарашлар ва буржуача ахлоққа қарши, ғоявий қуролимизни ўтмаслаштириш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қарши янада активроқ кураш олиб бормоқлари керак. Биздан партия, давлат, халқ бутун дунё меҳнаткашлари билан интернационал бирдамлик руҳи билан суғорилган, империализмнинг инсониятга қарши табиати билан сиёсатини қаҳр-ғазаб билан фош қилиб ташлаш руҳи билан суғорилган социалистик ҳаёт тарзи тўғрисида жаҳон халқларига бор ҳақиқатни элтувчи янги таъсирли асарлар кутишмоқда.

Кинематограф янги инсон характерини чиниқтиришда партияга ёрдам бермоқ учун битмас-туганмас имкониятларга эга. Замондошимиз, яратувчилик меҳнати қаҳрамони, ўз мамлакатининг эгаси бўлган кишининг маънавий кўркамлигини, ички дунё бойлигини очиб бериш кино усталарининг олижаноб вазифасидир.

Совет халқининг қаҳрамонона анъаналари, унинг меҳнат ва жанговар жасоратлари тўғрисидаги кино асарларнинг тарбиявий аҳамияти каттадир. Социалистик Ватаннинг мард ҳимоячиларини тарбиялаб етиштиришда кинематографимизнинг хизматлари каттадир. Бундан буён ҳам совет кишиларида юксак ватанпарварлик фазилатларини шакллантиришга ёрдам берувчи картиналар, хоҳ узоқ ўтмиш воқеаларини, хоҳ социализм ва коммунизм учун олиб борилган курашнинг тилларда достон бўлган саҳифаларини объектив, синфий, марксистик позицияларда туриб кўрсатиб берувчи фильмларни яратиш — муҳим иш.

Болалар ва ёшлар аудиторияси учун фильм яратиш вазифаси давлат аҳамиятига эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим. Бизнинг ёшларимиздан кўра кўпроқ ва тез ибрат олувчи кино томошабин бўлмаса керак. Ёш авлодни революцион кураш ва меҳнат қаҳрамонлари тимсолида тарбиялашда партия, давлат, комсомолга ёрдам бермоқ, ёшларни янги жамият яратиш романтикасига жалб қилмоқ учун кинонинг кенг имкониятларидан активроқ фойдаланмоқ лозим.

Ана шу вазифаларни ҳал қилишда ҳужжатли кинематограф ҳам катта роль ўйнашга даъват этилган. Ҳужжатли кино социалистик давлатимиз қудрати ва халқаро обрўсининг ўсишини ёрқин ва тушунарли публицистик шаклда акс эттирмоғи, совет кишисининг ҳар томонлама ва узвий камол топишини, унинг ажойиб ишларини кўрсатиб бериши керак. Замонамиз илмий фильмларга ва ўқув фильмларга юксак талаблар қўймоқда. Бундай фильмлар марксизм-ленинизм назариясининг жанговар пропагандисти бўлиши мумкин ва шундай бўлиши керак, фан-техника революцияси ютуқларининг амалга оширилишига, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтиришга актив хизмат қилмоғи керак.

Маълумки, съездда бадиий танқиднинг аҳамияти катта эканлиги уқтириб ўтилди. Шундай бўлиши қонуний бир ҳолдир. Танқид партия сиёсатининг актив пропагандисти бўлишга, миллион-миллион томошабинлар асарларни тўғри тушунишига, бундай асарларни яратувчиларнинг эса объектив баҳолай билишларига ёрдам бермоққа даъват этилган. Истеъдодни вақтида қўллаб-қувватлаб, унинг камол топишини тўғри йўллай билиш нақадар муҳим иш! Танқидни такомиллаштириш кино санъатида социалистик реализм методининг изчил қарор топишига, фильмлар бадиий даражасининг ўсишига, ғўр картиналар пайдо бўлиб, экранга чиқиб кетишига қўшимча ғов яратишга шубҳасиз ёрдам беради. Таассуфки, бундай хом картиналар чиқиб турганлигини яхши биласиз ва съездингизда ўзингиз ҳам айтиб ўтдингиз.

Ўртоқлар! Совет киносининг тараққиётида Кинематографчилар союзи ўйнаган ролни баҳолаш қийин. Бу союз бундан буён ҳам ўсиб бормоғи керак. Ўйлаймизки, союз кино ходимлари марксизм-ленинизм дунёқарашини эгаллашларида янада активроқ ёрдам беради, кино ходимларининг халқнинг ранг-баранг ҳаёти билан алоқаларини мустаҳкамлашга, орттирилган бадиий тажрибаларни баҳамлашишга ҳамда кинематографчилар ёш ўринбосарларини тарбиялаб етиштиришда ёрдам бермоғи керак. Совет киносининг барча ходими коммунистик қурилиш вазифалари даражасида бўлиб, воқеликнинг етакчи қонуниятлари ва истиқболларини чуқур билиб, таниб, акс эттира оладиган бўлсинлар.

Кино асарларининг ғоявий-бадиий сифатига талабчанлик кўзи билан қараш союзнинг яхши анъанасидир. Съездингизнинг иши, унинг ишчан ва принципиал вазияти кинематография жамоатчилигимиз ижтимоий муҳим проблемалар билан халқнинг маданий эҳтиёжларига етарли баҳо бера билмасликнинг ҳар қандай кўринишларига ҳамиша муросасиз туради, фильмларнинг ғоявий хомлиги ва паст бадиий даражасига ўз муҳитида танқид ва ўз-ўзини танқидни бундан буён ҳам ривожлантириб, талабчанлик, ўртоқларча қўллаб-қувватлаш ва ижодий ёрдам руҳини мустаҳкамлаб бораверади, деб ишонишга имкон беради.

Кинематографчилар союзи кино ишлаб чиқаришни планлаштириш ва ташкил этишда давлат органларига ҳам янада салмоқли ёрдам бериши мумкин кўринади. Бунда жамиятимизнинг туб эҳтиёжларига асосланмоқ, барча кино арбобларининг ижодий имкониятларидан иложи борича тўла фойдаланмоқ керак, албатта.

Буларнинг ҳаммаси совет кишилари мазмундор ва шакли такомиллашган фильмларни тобора кўпроқ олиб туришларига наф келтирмоғи лозим.

Азиз ўртоқлар! Партия мамлакатимиздаги барча санъат ходимлари XXIV съезд қўйган вазифаларни шараф билан адо этадилар деб ишонади. Кинематографчилар союзи байроғидаги Ленин ордени уларни янги-янги ижодий ғалабалар сари чорлайверади, янада яхшироқ ишлаш, Ленин васият қилганича яшаш ва ижод қилишга ундайди!

Кинематографчилар союзига Ленин орденини топширар эканман, сизни Совет давлатининг олий мукофоти билан яна бир марта қизғин табриклашимга рухсат этгайсиз. Экран санъати миллион-миллион совет кишиларини коммунизм йўлидаги зафарларга янада зўрроқ илҳомлантирмоғи учун совет киносининг ходимлари — сценарийчилар ва режиссерлар, артистлар ва операторлар, музикачилар ва рассомлар, редакторлар ва кино танқидчилар, фильм ишлаб чиқариш ва прокат қилиш ташкилотчилари, фан ва техника арбоблари улуғ халқимизга муносиб янги асарлар яратмоқ учун куч-ғайратларини аямайдилар, десам бу фикрга ҳамма қўшилса керак деб ўйлайман.

(Ўртоқ Н. В. Подгорнийнинг нутқи бир неча марта давомли, гулдурос қарсаклар билан бўлиниб турди).

* * *

Н. В. Подгорний ҳамманинг гулдурос қарсаклари остида Ленин орденини СССР Кинематографчилар союзи байроғига қадаб қўйди.

Л. А. Кулиджанов жавоб нутқи сўзлади. У, съезднинг делегатлари, барча совет кинематографчилари номидан гапириб, юксак мукофот учун партия ва ҳукуматга самимий ташаккур айтди.

Съезд делегати, Ленин мукофоти лауреати М. А. Ульянов кинематографчилар II Бутуниттифоқ съездининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига табрикномасини ўқиб берди.

Съезд ҳамманинг гулдурос қарсаклари остида совет кинематографчиларининг партия Марказий Комитетига табрикномасини қабул қилди.

Бутун жаҳон кинематографчиларига қаратилган мурожаатлар — «Ҳинди-Хитой халқларининг тинч ва мустақил келажаги учун» ҳамда «Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш учун» деган мурожаатлар бир овоздан қабул қилинди.

Кинематографчиларнинг II Бутуниттифоқ съезди ўз ишини тамомлади. (ТАСС).

САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

Бундан ярим аср муқаддам, 1921 йил апрелида В. И. Ленин «Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Доғистон, тоғликлар республикасидаги коммунист ўртоқларга» деган мактубида Кавказдаги совет республикаларини қизғин табриклаб, «уларнинг мустаҳкам иттифоқи буржуазия даврида мисли кўрилмаган ва буржуа тузумида асло бўлмайдиган миллий аҳиллик намунасини вужудга келтиради» деб умид қилган эди. Владимир Ильич бадавлат ўлканинг ишлаб чиқарувчи кучларини, энергетикани, суғоришни зўр бериб ривожлантириш ва бу ишни кенг кўламда қатъият ва маҳорат билан бажаришни маслаҳат берган эди.

Кавказ коммунистлари, барча меҳнаткашлари Ленин васиятларини муқаддас билиб бажариб, Коммунистик партия раҳбарлигида, рус халқининг ва мамлакатимиздаги бошқа барча халқларнинг қардошлик ёрдами туфайли Совет ҳокимияти йилларида ишлаб чиқарувчи кучларни чиндан ҳам кенг кўламда ривожлантиришга эришдилар. Совет Озарбайжони ва Совет Арманистонининг, Совет Доғистонининг ярим асрлик юбилейлари бу ўлкада нақадар катта ўзгаришлар содир бўлганлигини, Кавказдаги иттифоқдош ва автоном республикаларнинг экономикаси билан маданияти нақадар юксалганлигини кўрсатди.

Бугун Грузин халқи шонли санани кутиб олмоқда: Грузия Совет Социалистик Республикаси билан Грузия Коммунистик партияси 50 ёшга тўлди. Бу шонли юбилейни улуғ Ватанимизнинг ҳамма халқлари грузин халқи билан биргаликда дўстлик ва қардошликнинг катта байрами қилиб нишонламоқдалар. Қардош республикалар билан бир сафда туриб коммунистик қурилишнинг янги зафарлари сари бораётган Совет Грузияси меҳнаткашларининг ҳамма муваффақиятлари улуғ Октябрь билан, Ленин номи билан боғланган.

13 май куни Тбилисидаги В. И. Ленин майдонига республика пойтахтининг минглаб меҳнаткашлари Коммунистик партия бунёдкорига, Совет Социалистик давлати асосчисига ўзларининг чуқур ҳурматларини бажо келтирмоқ учун келдилар.

Владимир Ильич Ленин ҳайкали ёнига Л. И. Брежнев, В. В. Гришин, Д. А. Кунаев, П. Е. Шелест, П. М. Машеров, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов ўртоқлар, Грузия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Г. С. Дзоценидзе, республика Министрлар Советининг Раиси Г. Д. Жавахишвили келдилар.

Қардош республикалардан, қаҳрамон шаҳарлар — Москва ва Ленинграддан, СССР Қуролли Кучларидан юбилей тантаналарида қатнашиш учун келган делегацияларнинг раҳбарлари ҳам шу ерда.

В. И. Ленин ҳайкалига гулдасталар қўйилди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев гулдаста қўйди.

Грузия халқи номидан, қардош республикалар, қаҳрамон шаҳарлар — Москва ва Ленинград делегацияларидан, СССР Қуролли Кучлари делегациясидан ҳам гулдасталар қўйилди.

Совет ҳокимиятининг эллик йили мобайнида Грузия Совет Социалистик Республикаси ажойиб муваффақиятларга эришди.

Грузия ССР Халқ хўжалиги ютуқлари юбилей виставкаси республикада саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият гуркираб ривожланаётганлигини, унинг ҳозирги ва эртанги кунини жозибадор ва яққол тасвирлайди.

Миллий анъаналар руҳида безатилган тўққизта катта павильонга қўйилган кўргазмаларни 13 май куни Тбилисининг фахрий меҳмонлари кўздан кечиришди.

Кенг экранли рангли ҳужжатли фильм виставканинг ўзига хос муқаддимаси бўлди. Томошабинлар бамисоли ҳозирги Грузия бўйлаб сайр қилгандек, саноат марказлари ва колхоз далаларига, тоғлардаги ва Қора денгиз соҳилларидаги курортларга боргандек, олий ўқув юртлари ва мактабларни кўздан кечиргандек бўлдилар.

Физика институти стенди қўйилган бош павильонда институт директори. Грузия ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Э. Л. Андроникашвили олимлар коллективи қилган энг катта ишларни гапириб берди. Трекли учқун камераси ишини тасвирловчи экспонат намойиш қилинди. Меҳмонлар зарядли космик зарраларнинг изларини томоша қилдилар. Баланд тоғдаги Абастуман астрофизика обсерваториясининг Мениск телескопининг модели ҳамманинг эътиборини тортди. Ўртоқ Л. И. Брежнев ана шу мураккаб оптик приборнинг тузилишини қизиқиб суриштирди. Обсерватория директори, республика Фанлар академиясининг академиги Е. К. Харадзе турли-туман астрономик кузатишлар олиб бориш имконини берадиган телескопнинг катта имкониятлари тўғрисида гапирди.

Меҳмонларни лойиҳа институтларининг фаолияти билан, шаҳар ва қишлоқларни, янги уй-жой ва саноат биноларини қуриш лойиҳалари билан таништирдилар.

Янги кончилик ва қишлоқ хўжалик техникаси қўйилган очиқ майдончада ўртоқ Л. И. Брежнев бошқа меҳмонлар билан биргаликда чой баргини терадиган дунёда биринчи «Сакартвело» машинасини кўздан кечирди. Ана шу машина ижодкорларидан бири Ленин мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ш. Я. Кереселидзе машинанинг ишлаш принципини, конструкторларнинг янги янада мукаммал нусхаларни лойиҳалаштириш соҳасидаги ишларини гапириб берди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. П. Мжаванадзе, Грузия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Г. С. Дзоценидзе, республика министрлар Советининг Раиси Г. Д. Жавахишвили, республика министрликлари ва идораларининг раҳбарлари, таниқли грузин олимлари ва мутахассислари маданият, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, маҳаллий саноат, энергетика, машинасозлик, енгил саноат павильонларини, виставка территориясини меҳмонларга кўрсатдилар.

Л. И. Брежнев, В. В. Гришин, Д. А. Кунаев, П. Е. Шелест, П. М. Машеров, Ш. Р. Рашидов ўртоқлар, юбилей тантаналарида қатнашаётган бошқа делегацияларнинг раҳбарлари, ҳурматли меҳмонлар дафтарига қуйидаги сўзларни ёзиб қўйдилар:

«Грузия ССР халқ хўжалиги ютуқларининг юбилей виставкаси грузин халқи Коммунистик партия раҳбарлигида Совет ҳокимиятининг ярим асри мобайнида эришган ажойиб муваффақиятлар тўғрисида ёрқин ва марокли ҳикоя қилади. Виставкада республика саноати ва қишлоқ хўжалиги гуркираб ривожланаётганлиги, грузин фани ва маданияти равнақ топаётганлиги батафсил кўрсатилган.

Социалистик Грузия ишчилари, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, зиёлилари республика экономикаси ва маданиятини янада ривожлантириш ишига бундан буён ҳам ўзларининг бутун куч-ғайратларини сарф қилишларига, КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун бошланган умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшишларига ишончимиз комил».

Н. КОЛЕСОВ,
Б. ЛУКЬЯНОВ.
(ТАСС мухбирлари).
Тбилиси, 13 май.

ЯКДИЛЛИК БИЛАН

Андижон областида Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи 140-Пахтаобод сайлов округи округ сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов шу округдан овозга қўйишга розилик берди.

Мажлисда **Шароф Рашидович Рашидов**ни 140-Пахтаобод сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олишга бир овоздан қарор қилинди.

Тошкент шаҳридаги **17-Москва** сайлов округининг округ сайлов комиссияси мажлисида В. П. Чкалов номли Тошкент авиация заводининг слесари **Ориф Раҳимхўжаев** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

Тошкент шаҳридаги 33-**Фрунзе** сайлов округи округ сайлов комиссиясининг мажлисида Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси **Вера Яковлевна Юмагузина** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

Тошкентдаги сайлов олди йиғилишларида республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб 50-Саноат сайлов округидан троллейбус ҳайдовчиси **Лидия Петровна Волхонская**, 28-Олмазор сайлов округидан Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари **Владимир Викторович Окунский**, 16-Пролетар сайлов округидан Тошкент аэропорти «ИЛ-18» самолётининг командири **Владимир Алексеевич Дронов**, 40-Горький сайлов округидан Тошкент область партия комитетининг секретари **Баҳодир Аббосович Абдураззоқов**, 52-Дўмбробод сайлов округидан Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси **Ҳусниддин Асомов** кўрсатилди.

Бухоро области меҳнаткашларининг коллективлари Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб 175-Кармана сайлов округидан «Нарпай» совхози учинчи бўлимининг бригада бошлиғи **Пўлат Авлиёқулович Раҳмонов**, 185-Дўрмон сайлов округидан Шофиркон район ижроия комитетининг раиси **Ҳакима Мўминовна Пўлатова**, 179-Пешкун сайлов округидан Ромитан районидаги «Октябрь» колхозининг раиси **Чори Ғиёсов**ни кўрсатдилар.

Андижон областида бўлиб ўтган сайлов олди йиғилишларида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб 116-Озод сайлов округидан Андижон ёғ-мой комбинатининг директори **Худойберди Султонов**, 120-Бўтақора сайлов округидан Андижон область ижроия комитети раисининг ўринбосари **Турсуной Раҳматуллаевна Каримова**, 112-Завод сайлов округидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети оғир саноат ва машинасозлик бўлимининг мудири **Исмоил Раҳматов**, 147-Охунбобоев сайлов округидан Хўжаобод район партия комитетининг биринчи секретари **Жўра Ҳасанов** кўрсатилди.

Наманган областида бўлиб ўтган сайлов олди йиғилишларида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб 219-Ленин сайлов округидан Наманган шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Иброҳим Камолович Ҳусниддинов**, 222-Фрунзе сайлов округидан Намангандаги 10-қурилиш трестининг қурилиш материаллари комбинатининг кранчиси **Валентина Михайловна Григорьева**, 226-Калинин сайлов округидан Наманган область ижроия комитети раисининг ўринбосари **Тен Хай Гюн**, 230-Учқўрғон сайлов округидан Учқўрғондаги 1-туғруқхонанинг бош врачи **Қумри Рашидовна Мусаева**, 237-Ҳалқобод сайлов округидан Наманган область ижроия комитетининг раиси **Ҳошим Холхонов**, 245-Янгиқўрғон сайлов округидан Наманган область партия комитетининг иккинчи секретари **Виталий Павлович Куксенко**, 249-Жийдакапа сайлов округидан «Ўзбекфильм» студиясининг бадиий раҳбари **Комил Ёрматов** кўрсатилди.

Қорақалпоғистондаги 447-Ленинобод сайлов округи меҳнаткашлари коллективи вакиллари Свердлов номли совхоз коллективининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари Йўлдош Раҳимович Қурбоновни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш ҳақидаги таклифини маъқуллодилар.

Йиғилиш қатнашчилари **Йўлдош Раҳимович Қурбонов**га мурожаат қилиб, **447-Ленинобод** сайлов округидан овозга қўйилиш учун розилик беришини сўрадилар.

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Тошкентдаги 12-Ленин сайлов округидан Тошкент «Қизил тонг» тикувчилик фирмасининг директори Сайёра Умаровна Султонованинг ана шу округдан республика Олий Совети депутатлигига номзоди қўллаб-қувватланди.

Сайёра Умаровна Султоновадан Тошкентдаги **12-Ленин** сайлов округидан овозга қўйилишига розилик беришини сўрашга қарор қилинди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

17 МАЙ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.30 — МОСКВА, 17.35 — Фотоҳаваскорлар учун кўрсатув, 18.05 — «Пионерия», 18.30 — Телеальманах, 19.00 — ТОШКЕНТ, 19.05 — АХБОРОТ, 19.20 — Солдат ҳамроҳи. **Узбек тилида:** 20.10 — АХБОРОТ, 20.25 — Танбур таронналари, 20.55 — Оламда нима гап? 21.15 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув, 21.30 — Телетеатр, 23.30 — МОСКВА. **Футбол: «ТОРПЕДО»** (Москва) — **«ЗАРЯ»** (Ворошиловград).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 18.00 — Мультфильм, 18.20 — Аҳолига граждан мудофааси ҳақида, 19.00 — МОСКВА, 19.55 — Янгиликлар, 20.05 — Концерт, 21.10 — **Чекист ҳақида қисса** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.30 — ДУШАНБА, 17.35 — МОСКВА КЎРСАТУВЛАРИ.

18 МАЙ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.45 — МОСКВА. 17.50 — Мультфильм, 18.10 — Ўқувчилар учун кўрсатув, 18.35 — Миллионлар ленинча университети, 19.05 — ТОШКЕНТ. **Рус тилида:** 19.10 — Қўғирчоқ фильм, 19.40 — АХБОРОТ, 19.55 — Телеочерк. **Узбек тилида:** 20.15 — Шеърият гулшанида. Э. ОХУНОВА, 20.45 — АХБОРОТ, 21.00 — Қуёнчилик — чорвачиликда муҳим соҳа, 21.30 — Ёзувчи **ШУҲРАТ** (ижодий портрет), 22.10 — Телеочерк, 22.20 — Бадиий фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ТОШКЕНТ ВА МОСКВА КЎРСАТУВЛАРИ.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 20.00 — Беш йиллик илғорлари, 20.15 — Бадиий ҳаваскорлар концерти, 21.15 — ТЕЛЕСПЕКТАКЛЬ.

19 МАЙ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — МОСКВА. **Туғилган кунинг муборак, Пионер!** 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.05 — АХБОРОТ. 19.15 — «Янгра, барабан!» 20.00 — Миллионлар ленинча университети, 20.15 — АХБОРОТ. 20.30 — МОСКВА. 22.00 — **Футбол: «АРАРАТ»** (Ереван) — **«ҚАЙРАТ»** (Олмаота).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — МОСКВА. 19.15 — Пионерлар концерти, 20.10 — Мультфильмлар. ТОШКЕНТ. **Узбек тилида:** 20.30 — Ёзувчи ва беш йиллик, 21.00 — Ўзбекистон XV спартакиадаси кундалиги, 21.25 — Концерт, 22.05 — Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 20.00 — Телефильм, 21.00 — Концерт, 21.50 — Бадиий фильм.

20 МАЙ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.35 — МОСКВА. 17.40 — Болалар учун эртак, 18.10 — Телеочерк, 18.35 — Миллионлар ленинча университети, 19.05 — ТОШКЕНТ. 19.10 — Қўғирчоқ фильм, 19.40 — АХБОРОТ. **Узбек тилида:** 19.55 — **ЯНҚИЛГАН ТОЙГАНГА КУЛАР** (спектакль), 21.35 — АХБОРОТ. 21.50 — Концерт, 22.30 — МОСКВА. **Футбол: «СПАРТАК»** (Москва) — **«ДИНАМО»** (Киев).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 18.00 — Мультфильм, 18.10 — Телефильм, 18.50 — Реклама, 19.05 — МОСКВА. 20.30 — ТОШКЕНТ. **Қил устида** (бадиий фильмнинг 1-серияси).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — **ТОШКЕНТ КЎРСАТУВЛАРИ.**

21 МАЙ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.30 — МОСКВА. 18.55 — ТОШКЕНТ. 19.00 — Мультфильм, 19.20 — АХБОРОТ. **Узбек тилида:** 19.35 — «Пропагандист», 20.10 — АХБОРОТ. 20.25 — Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган артистка Турсуной **СОЛИЕВА**нинг ижодий портрети, 21.30 — «Ўзбекистон чорвадори», 22.00 — Телефильм, 22.15 — Иқтисодий билимлар университети. 22.30 — МОСКВА. **Футбол:** «Динамо» (Москва) — ЦСКА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.45 — МОСКВА. 19.20 — Ҳужжатли фильм, 19.35 — Янгиликлар, 19.40 — Музикали кўрсатув, 20.25 — Телефильм, 21.30 — Концерт, 21.55 — Шоир Евгений **ЕВТУШЕНКО** — меҳмонимиз. 22.30 — ТОШКЕНТ. **Қил устида** (бадиий фильмнинг 2-серияси).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. Кинофильмлар, 20.20 — Музикали кўрсатув, 21.00 — «Тўлқинда-02», 21.15 — **Орзу** (бадиий фильм).

22 МАЙ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Мультфильм, 10.15 — ТЕЛЕМИНИАТЮРАЛАР, 10.55 — МОСКВА. 11.00 — Янгиликлар, 11.05 — Халқ телеуниверситети, 12.30 — Мультфильм, 12.45 — Ажойиб нарвон, 13.15 — Рақс ҳаёти, 14.15 — «ЗДОРОВЬЕ». 17.55 — ТОШКЕНТ, 18.00 — Концерт, 18.40 — Мультфильм. 19.00 — АХБОРОТ. 19.15 — Эстрада концерти. 19.45 — АХБОРОТ, 20.00 — МОСКВА. **Футбол. «ЗАРЯ»** (Ворошиловград) — **«ДИНАМО»** (Тбилиси). 21.45 — Телефильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 14.45 — МОСКВА. 20.00 — ТОШКЕНТ. Концерт, 21.00 — **Матонатли кишилар** (бадиий фильмнинг 1, 2-сериялари).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 — **ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.**

23 МАЙ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — ТОШКЕНТ, 10.00 — «Юлдузча», 10.30 — Болалар учун концерт, 10.55 — МОСКВА. 16.55 — ТОШКЕНТ. 17.00 — Қўғирчоқ фильм. 17.30 — АХБОРОТ. **Узбек тилида:** 17.50 — Ёзувчилар болаларга. Улмас **УМАРБЕКОВ.** 18.50 — Сайловдан-сайловгача, 19.10 — **Қотилликда айбланадилар** (бадиий фильм), 20.50 — ТЕЛЕМИНИАТЮРАЛАР, 21.30 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув, 21.45 — Ҳужжатли фильм, 21.55 — АХБОРОТ, 22.15 — Концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

10.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 15.00 — МОСКВА. **Киносаёҳатчилар клуби,** 16.00 — Халқаро панорама, 16.30 — Эрмитаж дурдоналари, 17.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари, 17.30 — КВН, 19.20 — Бутуниттифоқ халқ ижодий фестивали. Москва — Рига. 21.00 — Янгиликлар, 22.05 — Бадиий фильм, 22.35 — Музикали учрашувлар, 23.10 — Спорт эшиттириши.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 — **ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.**

А. — 109. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Р. 02522.